ШАҲРИМИЗ ГЎЗАЛ ВА КЎКАЛАМЗОР БЎЛСИН

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 78 (4773).
6 АПРЕЛЬ 1982 й.
СЕШАНБА.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 3 тийин

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

БИЗ СИЗЛАРНИ МУҲИМ САНА — СССР ТАШКИЛ ЭТИЛГАНЛИГИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИНИ ТОШКЕНТНИ ЯНАДА ОБОДОНЛАШТИРИШ ВА КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ ИШЛАРИДА АКТИВ ИШТИРОК ЭТИШ БИЛАН КУТИБ ОЛИШГА ЧАҚИРАМИЗ. ҲАР БИР МЕҲНАТ КОЛЛЕКТИВИ, ҲАР БИР ШАҲАРЛИК БУ УМУМХАЛҚ ИШИГА ЎЗ ҲИССАСИНИ ҚЎШМОҒИ ЛОЗИМ. ЎЗИНГИЗ ИШЛАЁТГАН КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР АТРОФИДАГИ КЎЧАЛАРНИ, ТЕРРИТОРИЯЛАРНИ ТАРТИБГА КЕЛТИРИНГ. МАЙЛИ, СИЗ ИСТИҚОМАТ ҚИЛАЁТГАН МИКРОРАЙОН, ТУРАР ЖОЙ МАССИВИДАГИ ЯШИЛ БОЙЛИКЛАР ЯНА БИР ХИЁБОН, ГУЛЗОР ВА КЎКАЛАМЗОР ЖОЙЛАР БИЛАН БОЙИСИН.

Шаҳар ободончиларининг Тошкент аҳолисига Мурожаати дан.

БУГУНГИ ТОШКЕНТ.
СУРАТДА: Узбекистон ССР 50 йиллиги номли проспектнинг кўриниши.
М. Нуриддинов фотоси.

Леонид Ильич Брежнев Тошкентдаги тантаналарда сўзлаган нутқида Узбекистон пойтахтини СССР халқлари қардошлиги ва дўстлигининг инсон қўли билан бунёд этилган рамзи деб атади. Уни қандай қилиб янада гўзал қилиш мумкин.

«Тошкентликларда кўп йиллик яхши анъана бор. Улар ҳар йили баҳор келиши билан ободонлаштириш ишларида актив иштирок этиб, кварталлар, корхона ва ташкилотларнинг территорияларини тартибга келтирадилар. Уз шаҳарларини янада шинам ва озода ҳолда сақлаш учун кўчалар ва бульварларни кўкаламзорлаштирадилар», дейилади ободончиларнинг республикамиз пойтахти аҳолисига мурожаатида. Бу сўзлар Тошкент шаҳрида яшайдиган, унинг шуҳратини оширишга ҳаракат қиладиган ҳар бир кишининг дилига жуда яқин.

Коммунистик шанбалик тобора яқинлашмоқда.

Шанбаликка қадар жуда кўп ободонлаштириш тадбирларини амалга ошириш лозим.

Баҳорнинг шу қизғин дамларида жонажон Тошкент шаҳримизнинг ташқи қиёфасини ўзгартиришга тааллуқли бўлган қурувчилар, ободон лаштирувчилар янада ғайрат кўрсатиб меҳнат қилишлари лозим. Ишончимиз комилки, бу ишдан шаҳримиздаги ҳеч бир киши четда қолмайди.

ВАҚТ КУТИБ ТУРМАЙДИ

Ободонлаштириш ишхизматининг ходимларига ҳар фаслда иш топилади. Баҳор келиши билан уларнинг юмушлари янада кўпаяди. Ирригация шохобчаларини тартибга келтириш, ободонлаштириш тадбирларини янада авж олдириш, йўл майдонларини тозалаш лозим. Айни пайтда капитал қурилиш ва ремонт, бадиий-сиёсий безаш, кичик архитектура элементларини сақлаш ишлари ҳам олиб борилиши лозим.

Жонажон шаҳримиз Тошкент обод ва кўркам бўлиб бормоқда. Ўтган йили умумий узунлиги 5,75 километр бўлган йўллар реконструкция қилинди ва ишга туширилди. Уларнинг орасида Фурқат, Узбекистон, Аҳмад Дониш, Бобир, Улуғбек кўчалари, Халқлар дўстлиги майдони, Куйбишев шоссесининг бир қисми бор эди. 40 километр узунликдаги электр тармоқлари ремонтдан чиқарилди, транспорт тўхташ бекатларида жуда кўп мосламалар, ўриндиқлар ўрнатилди, фавворалар қурилди. Уйларга белгилар қўйиб чиқилди. Кўчаларнинг номлари ёзилган ёзувлар ўрнатилди. Магистрал кўчалар ва майдонларни тозалашда йўл-кўприк ҳўжалигини сақлашда, ёритиш ва газ ёритиш рекламаларида ободонлаштириш, ирригациялашда катта маблағ ўзлаштирилди. Фақат ўтган кузнинг ўзида 315 минг дарахт ва 853 минг туп гул кўчати ўтқазилди. 1,5 миллион дона гул етиштирилди, 23 та кичик хиёбон барпо этилди. Яшил хиёбонларнинг ҳажми 60 гектарга кенгайди. Ободонлаштирувчилар бу йилни ҳам яхши бошлашди. В. И. Ленин номли, Халқлар дўстлиги майдонлари, Алишер Навоий номли театр олдидаги майдон, Абу Али ибн Сино ҳайкали олдидаги хиёбон, Халқлар дўстлиги проспекти, Энгельс, Богдан Хмельницкий ва бошқа кўчалар кишиларнинг кўз ўнгида гўзаллашиб бормоқда. Бу ерларда кўплаб қарағай, чинор, дуб дарахтлари, атир гуллар ва бошқа гул кўчатлари ўтқазилди.

Бу ишларни амалга оширишда ободонлаштирувчилар билан бир қаторда корхона ва муассаса коллективлари, маҳалла ва уй комитетлари актив иштирок этишмоқда. Қисқа қилиб айтганда, жуда кўп ишлар амалга оширилаяпти. Олдимизда турган вазифалар эса янада улкан. Жумладан, айрим ташкилий камчиликларни бартараф қилиш лозим. Айнан Фрунзе, Чилонзор, Киров, Қуйбишев ва бошқа айрим районларда ишлаб чиқилган тадбирлар аниқ эмас, бунинг устига бу тадбирларнинг бажарилиши жуда суст назорат қилинмоқда. Натижада жуда кўп ҳамшаҳарларимиз ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, территорияларнинг санитария ҳолатларини яхшилаш бўйича олиб борилаётган ишлардан четда қолмоқдалар. Новоузбекистанская кўчаси, Самарқанд дарвоза кўчасининг Беруний проспекти билан кесишган қисмидаги майдонни реконструкция қилиш ишларини белгиланган муддатда якунлаш учун айрим объектлар қурилишини жадаллаштириш лозим. Чилонзор районидаги ташқи ёритиш бошқармасининг диспетчерлик пунктини фойдаланишга топшириш, Халқлар дўстлиги монументини тиклашни якунлаш, Н. В. Гоголь ҳайкалини тиклаш лозим. Бундан ташқари Навоий кўчасининг Хадра майдонидан Охунбобоев майдонигача бўлган қисмида, Х. Турсунқулов кўчасида, Волгоград кўчасидаги мемориал комплекс хиёбонида катта ҳажмда маблағ ўзлаштириш лозим.

Транспорт тўхтайдиган бекатларда мосламалар ўрнатиш, шаҳарни зарур миқдордаги ўриндиқлар, фавворалар билан таъминлаш борасидаги ишлар жуда суст олиб борилмоқда.

Кўкаламзорлаштириш тириш соҳасида ҳам бир мунча камчиликлар ҳам мавжуд. Айрим район ободонлаштириш бошқармалари, турар жой бошқармалари, маданий муассасалар, савдо корхоналари дарахт ва гул кўчатлари ўтқазиш планини ўз вақтида бажариш учун таъсирчан чораларни кўришмаяпти. Ҳозирга қадар айрим магистрал кўчалар, майдон, хиёбонларга гул ва дарахт кўчатлари ўтқазилганини йўқ. Амалга оширилган кўкаламзорлаштириш ишлари шу кун талабига жавоб бермайди. Шу боисдан ҳам шаҳар штаби масъул ташкилотлардан кўчат ўтқазиш ишларини, агротехник тадбирларни ўтказишни, ўтқазилган кўчатларга қаровни кучайтириш ва ирригация ҳўжалигини тартибга келтиришни кучайтиришни талаб қилди.

Баҳолашни, кўкаламзорлаштирувчиларнинг олдида муҳим вазифалар турибди. Ўзбекистон 50 йиллиги номидаги боғни ва Ленин комсомоли номидаги боғни, Анҳор, Бўзсув, Салор, Қорасув, Қорақамиш каналларининг соҳилларини, К. Маркс номидаги хиёбонни кенгайтириш ва ободонлаштириш вазифаси турибди. Бунёд этилаётган телеминора, «Москва» меҳмонхонаси, метро станциялари, Акмал Икромов номидаги боғлалар боғида, Гвардейская кўчасидаги боғда янги яшил зоналар барпо этилади. Янги тикланаётган микрорайонларда боғлар, хиёбонлар, дам олиш зоналари яратилади. Қисқа қилиб айтганда, амалга оширилиши керак бўлган ишлар жуда кўп. Вақт эса кутиб турмайди. Шу боисдан ҳам шаҳар ободонлаштирувчилари Тошкент шаҳри аҳолисига мурожаатида ишчилар ва хизматчилар, ўқувчилар, барча аҳолини умумшаҳар ҳашарида актив иштирок этишга чақиришди.

Ш. ИСЛОМОВ.
Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ободонлаштириш Бош бошқармасининг бошлиғи.

ҲАШАРГА ЧИҚИШДИ

Баҳор фаслида шаҳримиз кўчалари бўйлаб юрсангиз дарахтларнинг куртак ёзаётганлиги, гуллаётганлигини кўрасиз. Айниқса бундай кўркамлик турар жой микрорайонларида, корхона ва ташкилот территорияларида яққол кўзга ташланади. Азиз ҳамшаҳарларимиз анъанага кўра умумхалқ ҳашарларига чиқишиб, кўча, майдон, хиёбонларнинг янада гуллаб-яшнашига ўзларининг самарали ҳиссаларини қўшишмоқда. Фрунзе районидаги автостанцияси ёнида 260 туп арча ва 180 та чинор кўчатлари ўтқазилди.

— Бу сафарги икки ойликда,— дейди район ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи кетди. Тўқимачилик институти, Совет савдоси ва юридик техникуми ўқувчилари 1-пойабзал фабрикаси ишчилари ирригация шохобчаларини тартибга келтиришда ўтқазилган дарахт кўчатлари учун чуқурчалар қазишди. Улар ёрдамида «Самарқанд» автостанцияси ёнида 260 туп арча ва 180 та чинор кўчатлари ўтқазилди.

— Бу сафарги икки ойликда,— дейди район ободонлаштириш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари А. Содиқов,— 270 ташкилотдан 105 минг аҳоли иштирок этади. Улар ёрдамида район территорияси чиқинди лардан тозаланиб, хиёбонлар барпо қилинади, биноларнинг ташқи кўриниши кўркамлаштирилади. Бу ишларни кўнгилли ёрдамчиларсиз бажариш қийин.

Райондаги ўндан ортиқ кўчаларни тартибга келтиришда 2502-автоколонна коллективи, 103-автобаза шофёрлари, «Таштеплосеть» бирлашмасининг ишчи ва хизматчилари яқиндан ёрдам беришди.

Б. Хмельницкий кўчасидаги 67 ва 69-уйда истиқомат қилувчилар ёзнинг иссиқ кунларида уйлари ёнидаги хиёбонда сайр қилишлари мумкин. Район ободонлаштириш бошқармаси ободончилари ва район уй-жой бошқармаси коллективи бу хиёбонга 2,5 минг туп чинор, 5 мингта ранг-баранг гуллар ўтқазишди.

Фрунзе райони меҳнаткашлари умумхалқ ҳашарларида ана шундай актив иштирок этишиб, шаҳримизнинг ободончилигига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишмоқда.

О. КОСТИКОВА.

Ташвишли сигнал

УЛАР УЧУН БАРИБИР

Шаҳримизни ободонлаштиришга корхона, ташкилот меҳнаткашлари, микрорайон ва маҳалла аҳолиси ишчанлик билан киришишди.

Лекин кўчаларда уюлиб ётган тупроқ ва қурилишдан чиққан чиндилар шаҳримиз кўркини бузмоқда. Баъзи бир қурилиш-монтаж ташкилотларининг ишга ўта масъулиятсизлик билан қарашлари оқибатида бундай камчиликлар содир бўлмоқда. Ҳа, айтгандай улар учун ҳеч қандай қонун-қоида йўқ. Бажариладиган ишларни кўнгиллари истаган вақтга суриб қўйишади.

Йил бошида «Союзтелефонстрой» (бошлиғи Н. Саркачев)нинг ихтисослаштирилган монтаж бошқармаси бригадаси шаҳримиздаги 20 та кўчада чуқурчалар қазишди. Лекин ҳалигача бирорта объектда бошланган иш ниҳоясига етказилмади. Ш. Руставели кўчасидаги (Фарҳод кўчасидан Муқимий кўчасигача бўлган масофада) йўлканинг бир километрдан ортиғи ҳалигача уйдум-чуқур бўлиб ётибди.

Энгельс, Лохутий, Педагогика кўчаларидаги йўловчилар ва транспорт қатнови учун қулай бўлган бу йўллар қурилиш-монтаж бошқармаси айби билан чуқурчаларга айлантирилган.

159-трестнинг 10-қурилиш бошқармаси (бошлиғи С. Григорянц) ишчилари ўтган йили ёзда ўзбошимчалик билан Ҳамза Ҳакимзода кўчасидаги асфальтни бузишган эди. Бу ерга водопровод қувурларини ётқизишгандан кейин йўлнинг 300 квадрат метрини тартибга келтириш ва асфальт ётқизишни эсдан чиқариб, жуфтакни ростлаб қолишди. Ана шу бошқарма —5» кварталидаги (китоб магазини ёнида), «Марказ —6» кварталидаги (99-уй ёнида) ишлар ҳам ниҳоясига етказилмаган.

Анча вақтдан бери Ленин проспектидаги (Хуршид кўчасидан Узбекистон ССР 50 йиллиги проспектигача бўлган масофада) темир-бетон плиталар ва бошқа чиқиндилар олиб кетилмаётир.

Пушкин кўчасидаги ер ости йўли қурилишидаги (Ҳ. Олимжон кўчасидан Я. Колас кўчасигача) майдонча территорияси антисанитария ҳолатида. Ана шу майдонча ёнида турувчи уйларда истиқомат қилувчи аҳоли қурилиш чиқиндиларини йиғотиш чорасини кўришмаётир. Бу чиқиндиларнинг уюлишида эса «Гордорстройремонт» ишчилари (бошлиғи Н. Зизман) айбдордир.

Бунга ўхшаш фактларни кўплаб келтириш мумкин. Лекин шуни эсдан чиқармаслик керакки, ана шундай ишлар шаҳримизни ободонлаштиришга тўсқинлик қилмоқда.

ТАШҚАРИДА ЧИРОЙ—ИЧКАРИДА ЛОЙ

Халқлар Дўстлиги майдони шаҳримизнинг гўзал жойларидан бирига айланмоқда. СССР Халқлари Дўстлиги саройининг улуғвор биноси, ажойиб бинолар, метро станцияси, чиройли манзара майдоннинг ўзига хос кўриниши намоён бўлган.

Фурқат ва Ново-Узбекистанская кўчалари муюлишида бир-бири билан туташган 6 ва 8-уйлар ҳам архитектура ансамблининг бир қисми ҳисобланади. Ҳамма ерда ораста лик.

Афсуски, бу ораста лик фақат ташқи томондан. Агар сиз саккизинчи уйнинг ҳовлисига кирмоқчи бўлсангиз, резинали ёки кирза этик кийиб олишни маслаҳат берамиз. Акс ҳолда ёмғирдан кейин, синоптиклар айтганидек ёмғир шивалаб ўтгандан кейин ҳам пойабзалингиздан ажралиб қолишингиз ҳеч гап эмас. Ёмғирдан кейин бу ердаги лой тиззага чиқади.

Бунинг сабаблари бир қанча. Улардан бири ана шу территорияда Тошкентда дастлабки ер ости гаражи қурилиши гоят чўзиб юборилаётганлигида. Сиртдан қараганда озгина иш қолганга ўхшайди, лекин қурувчиларнинг қўли калталик қилянти. Лой уюмлари тоғ бўлиб, ҳалигача ташиб кетилмаган темир-терсаклар сочилиб ётибди.

Олмазор массивининг деярли бутун территориясида пиёдалар йўлкалари йўқ. Одамлар ўчак-бу ёққа гизиллаб ўтаётган машиналардан юрак ҳовучлаб юришади. Ахир бу ерда мактаб, болалар боғчаси ва ясли бор. Айрим уйларнинг атрофида ариқлар йўқ, ободончилар тили билан айтганда ирригация тармоғи ётқизилмаган. Бор жойларда ҳам ана шу тармоқ қўлдан кетгунча қурилган. Демак ундан сув оқмайди.

Массивда спорт иншоотлари, болалар ўйин майдончалари қурилиши «унутишган». Ана шу майдончалар бор жойларнинг атрофи тўсилмаган. Бу ерда ҳамон яшил ниҳоллар камлиги кишини ҳайратга солади.

3-уй олдидаги кўлмак манзарани янада хунуклаштирган. Бу кўлмак сув ҳам ташқаридан кўринмайди...

И. АЛИМОВ.

ЎЗ КАСБИНИНГ УСТАСИ

Дарвозахонага қараб хонадон эгасининг дидига баҳо берилса, ҳовлига қараб фаррошларнинг ишига баҳо берилади. Собир Раҳимов районидаги Гуручариқ кўчасига жойлашган 3-«А» ва 14-уйнинг ҳовлилари ҳамиша ораста бўлади. Бу ҳовлига Шарифа Шарипова қарайди. Шарифа опа тонг саҳарда, ҳамма ухлаб ётган пайтда иш жойига келади. Одамлар ишга шошаётган пайтда эса ҳовли ва йўлкалар озода қилиб қўйилган, сув сепилган бўлади. Бу ердан ўтган киши ишхонасига яхши кайфият билан боради. Шарифа опа 4-уй жойлардан фойдаланиш участкасида салкам 10 йилдан бери ишлаяпти. У «Шавкатли меҳнати учун» медали билан тақдирланган. Шарифа опа маҳалладошларининг ва касбдошларининг илиқ сўзларини энг яхши мукофот деб билади.

— Одамлар кўзига ёруғ юз билан қарашни севаман. — дейди Ш. Шарипова. — Шу боисдан районни кўкаламзорлаштириш ишида барча қатори қатнашмоқдаман.

Шаҳримизда 6 мингга яқин фаррош меҳнат қилади. Улар орасида ҳақиқий озодалик посбонлари оз эмас. Албатта шаҳарни рисоладагидек озода сақлаш учун буларнинг ўзи камлик қилади. Чунки, шаҳар чиройининг қандай бўлиши бизнинг ўзимизга, ҳамшаҳарларимизнинг ички маданиятига боғлиқ. Буни унутмаслик керак.

Э. ЗИЯЕВ,
40-уй-жойлардан фойдаланиш участкаси бошлиғи.

АКТИВЛАР ЁРДАМИДА

2, 15, 28-уй-жойлардан фойдаланиш участкаларида, 19, 59-уй-жойлардан фойдаланиш идораларида кундалик бажариладиган ишлар аниқ белгилаб олинган. Бу жойларда муҳим ишга халқ депутатлари кўча ва уй комитетларининг аъзолари, кварталларнинг аҳолиси жалб этилган. Уларнинг ёрдами билан М. Горький проспекти, Пушкин, Чилонзор, Ш. Руставели, Б. Хмельницкий кўчаларидаги биноларнинг олд томонлари тартибга келтирилди, 5 минг туп дан ортиқ дарахт ва бошқа яшил ниҳоллар ўтқазилди.

СССР 60 йиллигини муносиб кутиб олишга бағишлаб Ленин номли болалар боғида ўтказилган митингда мактаб ўқувчилари, педагогика, театр ва рассомлик институтларининг студент ва ўқитувчилари, Ю. Фучик музейининг ходимлари иштирок этдилар. Уларнинг ҳаммаси паркни ободонлаштириш, кўчат ўтқазиш бўйича коллектив шанбалигда қатнашишди.

СУРАТДА: шанбалик пайтида. Ҳ. Мирзакаримов фотоси.

НАМУНАЛИ НОМИНИ ОЛИШ УЧУН

«Уйларимизни авайлаб асрайлик» — ана шу шиор остидаги ҳаракатга Ф. Энгельс, Ғ. Ғулом, Навоий кўчалари атрофларидаги турар жой массивларининг аҳолиси қўшилган. Турар жойларни намунали тартибга келтириш ташаббусини маҳаллий Советларнинг депутатлари, турар жой ташкилотлари бошлаб беришди. Улар аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишлари олиб боришиб, амалий ишга киришдилар. Уй-жой фондининг ўтган йилги кўриги якунлари бўйича ана шу кўчалардаги 50 дан ортиқ уй «Намунали сақланаётган уй» тахтачалари билан тақдирлади.

ХАТЛАРДАН САТРЛАР

ЯНА БАЛКОН ҲАҚИДА

Ҳозир балконлар ҳақида кўп гапирилянти. Балконини пала-партиш қилиб қўйган кишиларни тартибга чақириб қўйиш керак албатта. Уларни ҳатто жазолаш керак. Лекин, масаланинг иккинчи томони борки, бунга қуйидаги ҳолни мисол келтириш мумкин. Дейлик, ўз ҳовлиси ва ертўласи бўлган киши янги уйининг тўртинчи қаватидан квартира олди. Бу уйда ертўла ҳам, тегишли қўшимча хона ҳам йўқ. Тузалов, мураббо каби сақланувчи ашёларни қаерга қўйиш керак ахир.

Ювилган кийимларни нима учун балконда қуритилади? Чунки кўпинча ҳовлиларда кийим-кечак қуритиш учун сим тортилмаган бўлади.

Истагим шуки, уйларни лойиҳалаштирувчилар, қурувчилар унда яшовчилар ҳақида кўпроқ ғамхўрлик қилишлари керак. Аҳоли эса уй ижодкорларининг меҳнатини ҳурмат қилиши лозим.

Ҳ. МАҲМУДОВА
республика шаҳарлараро телефон станцияси ходими.

Хатлардан сатрлар

СУПУРИЛГАН ЖОЙГИНА ОЗОДА ЭМАС...

Ҳамма ўз шаҳрининг чиройли ва озода бўлишини истайди. Бунга эришиш учун фақат истакнинг ўзи камлик қилади. Айрим кишилар супурилган жойгина эмас, балки ифлос қилинмаган жой озода бўлади, деган ҳақиқатни тушунишмайдиганга ўхшайди. Чиқиндилар ташқарига чиқарилувчи қувурлари бўлмаган уйларда чиқиндиларни махсус автомашина келганда олиб чиқишади. Лекин шундай одамлар ҳам борки, улар машинани кутиб ўтиришмайди. Ахлатни дуч келган жойга чиқариб ташлашади.

Баҳор фасли келиши билан боғлар ва хиёбонларда тўпланиб олиб, гурунглашаётган ёшларни учратиш мумкин. Улар шу жойни ифлослантириб, турли нарсаларни ташлаб кетишади.

Жамоат жойларининг ифлосланишига баъзи кишиларгина эмас, айрим ташкилотлар ҳам «ҳисса» қўшмоқдалар. «Океан» магазини ёни ва Луначарское бозорига киравериш даги чакана савдо ташкил этилган жойдаги, Пионерская кўчасидаги бозорча ва бошқа жойларда тўпланиб қолган чиқиндилар бунга мисол бўла олади.

Н. КОНДРАТЬЕВА,
З. ПУНЦ.

тонгги газеталарда

● Л. И. Брежнев ва Н. А. Тихонов ўртоқлар Социалистик Эфиопия Муваққат Ҳарбий Маъмурий кенгашининг ва Эфиопия Меҳнаткашлар партияси ташкилот комиссиясининг Раиси ўртоқ Менгисту Хайле Мариамга табрик телеграммаси йўллаб, унга ғалаба куни муносабати билан Социалистик Эфиопия раҳбарларига ва дўст халқига Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети, совет халқи номидан ҳамда шахсан ўз номларидан самимий кутловлар йўлладилар.

● СССР ҳукуматининг АҚШ ҳукуматига нотаси эълон қилинган. «СССР ҳукумати Совет Иттифоқи шаънига туҳмат-бўхтонлар тарқатилаётганлиги муносабати билан АҚШ ҳукуматига қатъий норозилик билдиради. Бундай хатти-ҳаракат давлатлар ўртасидаги муносабатларда номақбул ва йўл қўйиб бўлмайдиган хатти-ҳаракатлардир», дейилади мазкур нотада.

● «Қурилишни бошқариш» — «Правда» газетасининг бугунги бош мақоласи ана шундай номланади.

● *ПОЙТАХТ ҚИЁФАСИ У ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?* | ● **ҲАММАНИНГ ВА ҲАР БИРИМИЗНИНГ ИШИМИЗ** | ● *ОБОДОНЛАШТИРИШ ИШЛАРИГА— ДОИМИЙ ДИККАТ-ЭЪТИБОР* | ● **КАМЧИЛИКЛАРНИ ТЕЗ БАРТАРАФ ҚИЛАЙЛИК**

● ЎЗБЕКИСТОН — НОҚОРАТУПРОҚ ЗОНАГА

БУНЁДКОРЛАР ҲИММАТИ

«Бугунги Ўзбекистоннинг бутун бепоён мамлакатимиз иқтисодий ва маданий турмушига, совет халқлари дўстлигини ривожлантиришга қўшаётган ҳиссаси жуда катта. Масалан, сизларнинг Ноқоратупроқ ўлкани ривожлантириш комплекс программасини амалга оширишдаги актив иштирокингизни КПСС Марказий Комитети юксак баҳолайди».

[Ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВнинг Ўзбекистон ССРга Ленин ордени топширилишига бағишланган қўшма тантанали мажлисда сўзлаган нутқидан].

Дарҳақиқат, республикамиз бунёдкорлари Ноқоратупроқ ўлкани ўзлаштиришда катта ишларни амалга ошириб келмоқда. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Олий Советининг республикага Ленин ордени топширилишига бағишланган қўшма тантанали мажлисида сўзлаган нутқида республикамиз қурувчиларининг бу зонада олиб бораётган қурилиш ишлари кўламини, фидокорона меҳнатини ана шундай — алоҳида таъкидлаб ўтди. «Бу, — деди ўртоқ Л. И. Брежнев, — интернационализм кўринишининг яхши намунасидир. Чунки ҳозир кўп миллатли мамлакатимиз шароитида интернационализм — аввало, мамлакат барча халқларининг умумий фаровонлик йўлидаги ҳалол, виждонли, зўр самарали меҳнатидир».

Мана бир неча йилдирки, Новгород областидаги Парфина посёлкасида жойлашган сув қурилиш давлат комитетига қарашли «Узпарфинводстрой» қурилиш бошқармаси бунёдкорлари ўтган йили Ноқоратупроқ ерларни ўзлаштиришда жуда салмоқли ишларни бажардилар. Бошқарма коллективи ўтган йили қурилиш пудрат ишлари планини 4 миллион 200 минг сўмликка бажариб юз фоийз адо этди. Шунингдек, ўз кучлари билан 3 миллион 320 минг сўмлик иш бажардилар. Бу йиллик планда белгилангандан 222 минг сўмлик кўп, демакдир.

Бошқарма бунёдкорлари зах, ботқоқ ерларни ўзлаштиришда ўзига хос бой тажриба тўпладилар. Бой тажрибага таяниб иш кўраётган ўзбекистонлик ер ўзлаштирувчилар съездлар йилида 530 гектар ботқоқ ерларни ўзлаштиришга муваффақ бўлдилар. Бундан ташқари бу ерда кенг кўламдаги бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Чунончи, бошқарма катта автомобиль базаси қурди ва ўзининг иккинчи механизациялашган колоннаси учун база барпо этди. Ўзбекистонлик қурувчилардан «Дружба» совхозининг аҳолиси ҳам миннатдор бўлди. Совхознинг саноат базасида 1 миллион 360 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилиб, бир қатор муҳим объектлар фойдаланишга топширилди.

Бунёдкорлар иш сифатига алоҳида эътибор бермоқдалар. Бу ишда яққол акс этмоқда. Масалан, ўтган йили фойдаланишга топширилган 45 объектдан 43 таси, «яхши» баҳолар билан, қолгани эса аъло баҳолар билан топширилди.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг берган юксак баҳосидан руҳланган бунёдкорлар «СССРнинг 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафталик!» шиори остида социалистик мусобақани янада қизитиб юбордилар. Бошқарма бўлинмалари ўртасидаги бу беллашувларда 1-механизациялашган кўчма колонна коллективи пешқадамлик қилиб келяпти. Чунки бунинг боиси бор. Колонна қурувчилари ўтган йил иш планини 108 процент адо этишиб, янги марраларни кучиш учун пухта замин ҳозирладилар. Бир неча марта мусобақада ғолиблик қилгани учун мазкур колоннага СССР Сув хўжалиги ва қишлоқ хўжалиги ходимлари тармоқ касаба союзлари Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини қўлга киритишга муваффақ бўлдилар.

Бу йилги режалар янада улкан. Улар жуда катта ҳажмдаги ботқоқ ерларни ўзлаштиришга бел боғлаганлар. Қурилиш-монтаж ишлари эса ўтган йилга нисбатан қарийб 3 баравар ортади. Ана шу юксак марраларни қўлга киритиш учун ва янада унумдорликка эришиш учун ўтган йилнинг иккинчи ярмида Владимир областида қўшимча «Узвладимирстрой» тресті ташкил этилди. Бу йил бу икки қурилиш ташкилотлари Ноқоратупроқ ўлкада 12 миллион 365 минг сўмлик пудрат ишларини бажаришиб, 600 гектар ерни суғоришга тайёрлаш, 2200 гектар ботқоқ ерларни қуритиш, 13200 квадрат метр турар жой биноларини қуриш ва 1400 гектар ерда техник-маданий ишларни бажаришга аҳд қилганлар.

Бугунги иш мароми ўзбекистонлик бунёдкорларнинг ўз зиммаларига олган юксак социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажарилишидан яққол далолат беради.

А. ФАТТОҲОВ,
«Тошкент оқшоми»нинг жамоатчи мухбири.

Тошкент чинни заводи коллективи СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига ўзаро социалистик мусобақани авж олдириб меҳнат қилаяпти. Кўпгина ишчилар беш йиллик топшириқларини муддатидан аввал бажариш мажбуриятларини олишган.

СУРАТДА: буюмларга гул солиш цехининг ишчилари янги маҳсулотларга безак бериш пайтида. Бу ишчилар шахсий беш йиллик топшириғини уч ярим йилда бажаришга аҳд қилишган.

Пастдаги суратда «Таштекистильмаш» заводида 22 йилдан бери меҳнат қилиб келаётган Исмоил Қоратоевни кўриб турибсиз. Бу ишчи меҳнатни тўғри ташкил этиш, ускуналарнинг бетиним ишлашини таъминлаш билан смена топшириқларини 150 процентга етказиб адо этаяпти. У ҳозир 1983 йилнинг февраль ойи ҳисобига маҳсулот тайёрламоқда.

М. Нуриддинов ва И. Шоинғомов фотолари.

БЕШ ЙИЛЛИК ВАХТАСИДА

МАМЛАКАТ ЮБИЛЕЙИГА ТУҲФА

Тошкентдаги грампластинкалар заводида Л. И. Брежневнинг «Эсдаликлар» китоби ёзилган дисклар чиқарилди. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Тўлқин Тожиев унинг ўзбекча таржимасини ўқиди. У ўзбек тингловчиларини «Кичик ер», «Қўриқ» китоблари билан ҳам таништирди. Корхона коллективи ана шу туркумдаги ҳужжатли пластинкалар чиқаришни СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишлади.

Корхона коллективи СССРнинг 60 йиллигига тайёргарликни зарбдор меҳнат билан нишонламоқда. Прессловчи Алфия Ҳайруллина ишлаб чиқариш графигидан ярим йил ўзиб кетди. Бу тажрибали уста социалистик мусобақа ғолиби номига бир неча бор сазовор бўлган эди. Илғор ишчи ҳар бир иш минутидан самарали фойдаланиб, смена топшириғини ҳар куни ошириб адо этмоқда ва бутун маҳсулотни биринчи кўрсатишдаёқ топширмоқда. Беш йилликни 3,5 йилда бажариш — унинг маррасидир.

Меҳнатнинг жадал усуллари — заводдаги кўпгина меҳнаткашларнинг мулки бўлиб қолди. Прессловчи Р. Нифтахова, токарлардан О. Чуркин, С. Эшонхўжаевлар шулар жумласидандир. Корхона ишчиларидан юздан кўпроқ киши «Беш йилликни муддатидан илгари бажарамиз» шиори остида меҳнат қилмоқда. Тошкент грампластинкалар заводининг коллективи СССР 60 йиллиги шарафига зарбдор вахтада туриб, беш йилликнинг икки йили планини муддатидан илгари бажаришга ва пландан ташқари 98 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга аҳд қилди.



Шаҳримиздаги «Компрессор» заводи маҳсулотларига бўлган талаб тобора ортиб бормоқда. Буни ҳисобга олган корхона машинасозлари мамлакатимиз халқ хўжалиги учун кўплаб ПР—10М маркали компрессор агрегатларини ишлаб чиқармоқдалар.

СУРАТДА: бир туркум компрессор машиналарини буюртмачиларга жўнатиш пайти.

М. Нуриддинов фотоси.

КАДРЛАР КАМОЛОТИНИ КЎЗЛАБ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев республикамизга Ленин ордени топширилишига бағишланган тантанада сўзлаган нутқида В. И. Ленин Декрети билан ташкил этилган Тошкент Давлат университетининг Ўрта Осиё учун кадрлар тайёрлашдаги фаолиятига юксак баҳо берди. Бу фахрли эътироф бутун университет коллективи сингари тарих факультети коммунистларини ҳам юқори малакали, партия ва халқ ғояларига содиқ мутахассислар тайёрлашда янада куч-ғайрат кўрсатиб ишлашга сафарбар этмоқда.

Факультет партия ташкилоти ўз сафига 45 коммунистни жамлаган. Улар партия ташкилоти етакчиси М. Шапсанов раҳбарлигида КПСС XXVI съезди белгилаб берган таълим-тарбия соҳасидаги қарорига кўра, катта партиявий-ташкилий, сиёсий-тарбиявий ишларни амалга оширмоқдалар.

Факультетда ўқув-методика ишларини такомиллаштириш билан ўқув жараёни сифатини анча оширишга муваффақ бўлинди. Кейинги йилларда студентларнинг ўзлаштириши 97,4 процентга кўтарилганлиги, 45 проценти аъло баҳоларга ўқиётганлиги фикримизнинг далилидир. Бу мисоллар шу билан бирга партия ташкилоти профессор-ўқитувчиларнинг ғоявий-назарий савиясини ошириш, илмий ишлари самарадорлигини юксалтириш, бўлажак мутахассисларни тарбиялашда уларнинг актив иштирокини таъминлашга алоҳида эътибор бераётганлигини ҳам кўрсатади. Шу ўқув йилининг ўзида бир докторлик ва уч кандидатлик диссертацияси ёқланиб, ўқитувчилар составининг 75 проценти илмий унвонга эга бўлди. Улар орасида республика ва мамлакат ижтимоий фанлари тараққиётига муҳим ҳисса қўшган Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги К. Житов, фан докторлари А. Матвеев, Г. Ҳидоятов, И. Жабборов сингари олимлар бор.

Шу ўринда факультет декани, партия бюроси аъзоси профессор Г. Ҳидоятовнинг илмий ишлар савиясини юксалтириш борасида жонкуярлик кўрсатаётганлигини, ёшларнинг ғамхўр ва талабчан устози эканлигини алоҳида қайд этиш керак бўлади. Унинг бевосита раҳбарлигида ҳозирга қадар 20 дан ортиқ кандидатлик диссертацияси ҳимоя қилинди.

Маълумки, сиёсий-тарбиявий ишларнинг сифат ва самарадорлиги, коммунистларнинг авангардлигини устиришда профессор-ўқитувчилар, студентларнинг жамоат ҳамда маданий-оқартув ишларига актив жалб этилиши муҳим роль ўйнайди. Бу борадаги ишларни йўлга қўйиш жиҳатидан тарих факультети университетдаги энг яхши коллективлардан бири саналади. Мана тўрт йилдирки, факультет партия ташкилоти қошида ёш лекторлар мактаби фаолият кўрсатмоқда. А. Нуритов, О. Тошмуҳамедов, Ғ. Аҳмаджонов сингари пропагандистлар, лекторларнинг активлиги туфайли республиканинг турли жойларида йилига 500 дан ортиқ лекция ва суҳбатлар ўтказилмоқда. Уларнинг аксарият қисми кишиларни коммунистик ва интернационал руҳда тарбиялашга қаратилаётганлиги билан характерлидир.

Студентларнинг бадиий ҳаваскорлигини ривожлантириш эстетик ва интернационал тарбиянинг муҳим формасидир. Факультетда музика, хор ва рақс тўгараклари фаолият кўрсатмоқда. Партия ташкилоти бу коллективлар репертуарлари мазмунини ғоявий йўналтириш, бадиий савиясини оширишга жиддий эътибор бермоқда. Натижада факультет бадиий ҳаваскорлари университетда ўтказилаётган кўрик ва конкурсларда муваффақиятли қатнашмоқдалар.

Факультет партия ташкилоти студентларнинг жисмоний жиҳатдан баркамол бўлиб етишишига ҳам алоҳида аҳамият бермоқда. Кейинги йилларда тўрт спорт мастери, олти мастерликка номзод етиштирилди.

Партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг олий таълим мактаблари ва мутахассислар тайёрлашни янада такомиллаштириш тўғрисидаги қарорларида студент қурилиш отрядлари тажриба тўплаш ва меҳнатда чиниқишнинг бебаҳо мактаби эканлиги таъкидланган. Дарҳақиқат, бу ишда қатнашиш студентларни меҳнат ва ҳаётнинг реал шароитлари билан таништиради, ишлаб чиқариш ва турмуш масалаларини мустақил ҳал этишга ўргатади. Факультет студентлари ўтган йилги ёзги меҳнат семестрини Тюмень областининг зарбдор қурилиш объектларида ўтказишди. Улар бу объектларда 140 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажардилар. Шунингдек, факультет коллективи пахта йиғим-теримида ҳам фаол қатнашди. Университет факультетлари ўртасида ўтказилган социалистик мусобақада ғолиб чиқди. Буларнинг ҳаммасида партия ташкилоти ташкилотчилик ва ташаббускорлик кўрсатиб ишни ташкил эта олганлигининг самарасидир.

Бир сўз билан айтганда, Тошкент Давлат университети тарих факультети партия ташкилоти студент-ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш, илмий-тадқиқот ишларини давр талаби даражасига кўтариш, оммавий-сиёсий ишлар савиясини янада яхшилаш борасида кўпгина ибратли ишларни амалга оширмоқда. Коммунистлар айни кунлардаги ишларини партия XXVI съезди қарорлари, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневнинг СССР касаба союзлари XVII съезди ва Тошкентдаги тантаналарда сўзлаган нутқларида олий таълим мактаблари ҳақидаги қоида-хулосалари асосида ташкил этиб, СССР 60 йиллигини катта муваффақиятлар билан кутиб олиш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

Б. ҚОРИЕВ,
В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети касаба союзи комитети раисининг ўринбосари.

ОЛДИНГИ САФДА

«Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмаси бош корхонаси печатлаш цехининг ветеран ишчиси Т. Муҳаммадхўжаев номини коллектив ўртасида ҳурмат билан фахрланиб тилга олишади. Қарийб 42 йилдан буён шу меҳнат даргоҳида тер тўкиб келаётган бу моҳир ишчи илғорлар сафида бормоқда. У коллектив — шогирдлари, ҳамкасблари олдида ёшлардек ғайрат билан ишлаши ва зиммасига олган план-топшириқларини ортиғи билан адо этаётганлиги билан ҳам катта обрў-эътибор қозонган.

КПСС XXVI съезди қарорларидан руҳланган пешқадам ишчи ўн биринчи беш йиллик планларини муддатидан олдин бажариш юзасидан бошланган социалистик мусобақада фаол қатнашиб, меҳнатда юқори натижаларга эришмоқда. У тайёрланаётган маҳсулотлар сифатини тўла сақлаган ҳолда кундалик план-топшириқларини 135—140 процентдан бажармоқда.

— Биз шу кунларда «СССР 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафта!» шиори остида меҳнат қилмоқдамиз, — дейди моҳир ишчи Т. Муҳаммадхўжаев. — Бригадамиз коллективи билан йиллик план-топшириқларини Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 65 йиллиги нишонланадиган кун — 7 ноябрь байрамигача уддалашга азму-қарор қилганмиз. Шогирдларимдан А. Асроров, Ю. Элвейн, М. Зайтаев, ҳамкасбларимдан В. Паршин, А. Ботирхоновлар меҳнат майдонида ўз зиммаларига бириктилган вазифаларни бажаришда жонбозлик кўрсатмоқдалар.

А. ҲАЙДАРОВ.

ВАҚТДАН ЎЗГАНЛАР

ЗАРБДОР ВАХТАДА

В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси цехларига радио қувончли хушхабар эшиттирди: коммунист, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони М. Маннопов бошчилигидаги йиғувчи слесарлар бригадаси смена топшириғини икки баравар ошириб адо этди. М. Ўлмасов ва В. Чаплюн бошлиқ бригадирларнинг шогирдлари энг юқори иш унумига эришдилар. Улар турдош касбларни эгаллаб ва шу йўл билан иш кунидан унумли фойдаланиб, белгиланган топшириқни икки баравардан зиёд ошириб адо этдилар.

Шу куни механика цехининг фрезерчилари шахсий рекорд қўйдилар. Корхона партия комитетининг аъзоси, қўш Ленин ордени кавалери И. Басанц бошчилигидаги бу коллектив ягона наряд асосидаги иш афзалликларидан фойдаланиб, нормани бир ярим баравар ошириб бажарди.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг Тошкентдаги тантаналарда сўзлаган нутқлари, унинг бирлашмага борганлиги коллективда ватанпарварлик ғайратини жўш урдирди, кўпгина самолётсозларнинг ишда муваффақиятга эришувларини белгилаб берди. Цехлар, участкалар ва бригадаларнинг меҳнаткашлари янада юксак марраларни белгилаб, беш йилликнинг иккинчи йили топшириқларини муваффақиятли бажариш учун ўтказилаётган мусобақани кенг авж олдириб юбордилар.

Бирлашма коллективи ўртоқ Л. И. Брежнев номига йўллаган табрик телеграммасида СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига қабул қилинган оширилган мажбуриятларни шараф билан бажариш ҳақида берган ваъдасига содиқдир.

(ЎзТАГ мухбири).

Республика бўйлаб

Намангандаги ремдеталь тажриба заводининг коллективи Афғонистон буюртмасини бажарди: қўшни мамлакатга бешта тўрт оёқ кран жўнатилди. Экспорт қилинадиган маҳсулотни тайёрлаш энг яхши усталарга — токарь Т. Турғунов, фрезерчи Р. Курталиев ва пайвандчи А. Турсуновга, А. Дорофеев бошлиқ йиғувчилар бригадасига топширилган эди. Завод коллективи йил охиригача ўнлаб мамлакат учун юзлаб тўрт оёқ кран тайёрлаб беради.

* * *

Термизда янги автомат телефон станциясини монтаж қилишга киришилди. Автомат станцияни шу йилнинг охирида ишга тушириш мўлжалланган. Унинг ишга туширилиши билан шаҳар телефон тармоқларининг ҳажми икки баравар ортади. Автомат станция область марказида қурилаётган алоқа уйи комплексига киради. Тўрт қаватли бинода почтамт, халқаро телефон ва телеграф жойлашади.

* * *

Хивадаги бадиий-керамика буюмлар заводи Ал Хоразмийнинг 1200 йиллиги шарафига тематик расмлар солинган сувенир ликопчалар ишлаб чиқариша бошлади. Корхонанинг яна бир янги маҳсулоти — Хоразмнинг рангли сирланган нақши солинган миллий услубдаги сервиздир. Энди корхоналарда керамика буюмлар ва сувенирларнинг 50 тури ишлаб чиқарилмоқда.

(ЎзТАГ).

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ТРАНСПОРТЧИЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

ПНОМПЕНЬ. Кампучияда транспорт қурилиши программаси муваффақиятли амалга оширилмоқда. Бу программа республикани иқтисодий жиҳатдан тиклашга ёрдам бериши керак.

Кампучия халқининг куч-ғайрати, Совет Иттифоқи, Вьетнам, бошқа қардош социалистик мамлакатларнинг ёрдами туфайли республикада автомобиллар, локомотивлар ва вагонлар, дарё кемалари кўпаймоқда.

Халқ ҳокимиятининг уч йили мобайнида қаттиқ қопламали 180 километр йўл ремонт қилинди. Бу эса автомобиль транспортига 706,5 минг тоннадан кўп халқ хўжалик юкларини ва 1 миллиондан зиёд пассажирни ташишга имкон берди.

ЯПОНИЯ.

СУРАТДА: махсус темир йўлда етти километрлик участкада юқори тезликда юрадиган янги поезд синовдан ўтказилаяпти.

Киодо — ТАСС фотоси.

Дунё шаҳарлари ва пойтахтларида

БУДАПЕШТ. Будапештдаги катта саноат райони — Андьялфельд аҳолиси ВХР фашизмдан озод этилганлигининг 37 йиллиги байрами арафасида яхши совға олди. 200 дан кўп ишчи оилаларига янги квартираларнинг калитлари топширилди.

Венгрия қурувчиларида озодлик байрамини меҳнатда ғалабалар билан кутиб олиш яхши анъана бўлиб қолди. Бу йил байрам арафасида Сегед шаҳрида ҳунар-техника билим юрти, Мишкольцда касалхона қуриб битказилди. Янги мактаблар ва болалар боғчалари эса республиканинг кичкинтойларига аталган.

* * *

БУХАРЕСТ. Шу кўклам Бухарест парклари, хиёбонлари ва кўчаларига 30 минг тупдан кўп дарахт кўчати, 380 туп бута, 150 минг туп атиргул, 300 минг туп бошқа ўсимлик кўчатлари ўтқазилади.

* * *

ХАНОЙ. Вьетнам шаҳарлари ва вилоятларида байрам руҳи ҳукм сурмоқда. Республика меҳнаткашлари Вьетнам Коммунистик партияси V съездининг муваффақиятли тугалланганини кўп кишилик митинглар ва йиғилишлар билан халқ сайллари ва очиқ эстрадада берилаётган концертлар билан нишонламоқдалар. Съезднинг иқтисодий ва социал сиёсат соҳасидаги муҳим қарорлари халқни руҳлантириб, меҳнат ғайратини жўш урдирмоқда.

Вьетнам пойтахтида мамлакатнинг учта катта шаҳри — Ханой, Хошимин ва Хайфон ўртасида социалистик мусобақа тўғрисидаги шартнома имзоланди. Шартнома хўжалик, ижтимоий ва маданий алоқалар янада кенгайтирилишини кўзда тутади, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

* * *

ТОКИО. Шу йил бошланганидан бери Япония пойтахтининг кўчаларида автотранспорт ҳодисалари натижасида 90 киши ҳалок бўлди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 50 процент кўпдир.

* * *

1981 йил Японияда ернинг нархи ўрта ҳисобда 8,5 процент ортди. Ҳозир Токиода ва мамлакатнинг бошқа катта-катта шаҳарларида одам оёғи зўрға сиғадиган бир парчагина ер миллион иенгача боради.

Эритрия аҳолисига ёрдам

АДДИС-АБЕБА. Аддис-Абебани мамлакатнинг шимоли-шарқий районлари билан боғловчи тош йўли орқали оғир юк ортилган машиналар тинмай қатнаб турибди. Бу машиналарда Эфиопиянинг сепаратчи гуруҳлар қўпорувчилик ишлари натижасида кун кечириш воситаларидан маҳрум бўлиб қолган Эритрея вилояти аҳолисига озиқ-овқат, дори-дармон ва қишлоқ хўжалик инвентарлари етказиб берилмоқда. Юк машиналарининг кабиналарига табиий офат ва уруш ҳаракатларидан зарар кўрган аҳолига ёрдам берувчи комиссиянинг эмблемаси туширилган.

КООПЕРАТИВ МЕҲНАТ МАКТАБИ

ПРАГА. ЧССРдаги кооператив меҳнат мактабида ўқув йили тугади. Бу ўқув юрти ягона қишлоқ хўжалик кооперативлари н г меҳнаткашларига ўз билимларини ошириш ва системалаштиришда ёрдам беради.

Лекция ва семинарлар курсида жуда кўп масалалар кўриб чиқилади. Булар орасида қишлоқда комплекс бригадалар тажрибасини пропаганда қилиш, қишлоқ рационализаторлари ва ихтирочилари ҳаракатини оммалаштириш, ижодий ташаббусни ривожлантириш, деҳқонларнинг меҳнат унумдорлигини ошириш ва бошқа масалалар бор. Тугалланган ўқув йилида партиянинг ЧКП XVI съездидан кейинги иқтисодий сиёсатини тушунтиришга ва қишлоқ хўжалигини планли равишда бошқариш системасини амалда қўллашга асосий эътибор берилди.

Кооператив мактабида ва унинг филиалларида қишлоқ хўжалигини саноат негизига ўтказиш муҳим роль ўйнамоқда. Ҳозирги вақтда республикада кооператив меҳнат мактабларининг икки ярим мингдан кўп филиали бор. Бу ерда қишлоқ хўжалиги мутахассислари билан бирга мамлакат турли корхоналарининг юқори малакали ишчилари ҳам дарс берадилар. Шу туфайли кўплаб тингловчилар тракторчи, ремонтчи, механизаторлик касбини эгалладилар.

Шу ўқув йилида мактабда ва унинг филиалларида 340 минг киши шуғулланди.

САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК

ДЕҲЛИ. Ҳиндистон Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг шу йил ёз фаслида Тошкентда ўтказиладиган VII халқаро кинофестивалида ғоят фаол қатнашиш ниятидадир. Ҳиндистон информация ва радиоэшиттириш министри В. П. Сатхе Ўзбекистон ССР маданият министри З. Р. Раҳимбобоева билан бу ерда бўлиб ўтган суҳбатида ана шундай деди.

Ҳиндистон Тошкент кинофестивалларининг анъанавий қатнашчисидир. Совет Ўзбекистони пойтахтида ўтказилаётган кино санъати кўриги, деб уқтириб ўтди В. Сатхе, ҳар сафар ривожланаётган мамлакатларнинг маданий ҳаётида муҳим воқеадир. Кино санъати кўригининг олижаноб ғоялари инсонпарварлик, тинчлик ва халқлар ўртасида дўстлик идеалларига хизмат қилади.

Совет Иттифоқи билан Ҳиндистонни бирбири билан самимий хайрихоҳлик ва дўстлик ҳис-туйғулари боғлаб турибди, деб таъкидлади министр. Совет фильмлари Ҳиндистонда ғоят манзур бўлмоқда. Совет фильмлари намойиш қилинаётган мавжуд кинотеатрлар совет киносанъати билан танишишни истаётган кишиларнинг ҳаммасини сиғдира олмаянти. Шу боисдан ҳукумат совет фильмларини миллион-миллион телетомошабинлар кўра олиши учун шу фильмларни Ҳинд телевидениеси орқали кўрсатишни кўпайтиришни режалаштирмоқда.

А. БОХОНЬКО.

• ИДЕОЛОГИЯ ИШИ ТАЖРИБАСИДАН

Завод музейининг янги экспонатлари

В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг жанговар ва меҳнат шуҳрати халқ музейи янги материаллар билан тўлдирилди. Бу материаллар тажриба авиация заводини ишга туширишдан олдинги даври тўғрисида ҳикоя қилади. Завод ярим аср муқаддам Москва яқинида барпо этилиб, 1941 йилда Ўзбекистонга кўчирилган эди. Гражданж ҳаво флоти бош бошқармаси архив фондидан корхонани бунёд этиш ва ишга тушириш вақтини аниқлаб берадиган ҳужжат олинди.

Завод ветеранлари тақдим этган ва ўша вақтлар акс эттирилган фотосуратлар ҳам экспозицияга қўшилди. Томошабинлар заводнинг дастлабки корпусларини барпо этган кишиларнинг чеҳраларига ғоят қизиқиб назар ташлайдилар. Суратларнинг бирида М. И. Богатиков бошлиқ дурадгорлар бригадаси акс эттирилган. Михаил Иванович кексайиб қолганлигига қарамай, ҳозир ҳам меҳнат қилмоқда. Завод ишга туширилиши билан ўз касбини ўзгартирган ва «Меҳнат ветерани — фахрли чкаловчи» номига сазовор бўлган донгдор слесарь бир неча ўнлаб малакали ишчилар тайёрлади. Ўша вақтдаги яна бир фотосуратда М. А. Чернов бошлиқ ер қазувчилар бригадасининг аъзолари кўзга ташланади. Ветеран шофёр бўлиб ишлади, ҳозир эса самолётсозликнинг масъулиятли участкасида оператор бўлиб ишлайди.

Музейда уч мингдан кўпроқ экспонат тўпланди. Экскурсиячилар заллар бўйлаб планшетдан планшет, экспонатдан экспонат томон юриб борадилар. Кўпдан бери давом этиб келаётган анъанага мувофиқ, ишга янги келган ёшлар завод билан танишишни шу ердан бошлайдилар. Меҳнат ветеранлари — фахрли чкаловчилар уларга ҳамроҳлик қиладилар. Экскурсиячилар заводда ўттизинчи йилларда қурилган афсонавий АНТ—25 самолёти макети олдида узоқ вақт тўхталадилар. Совет учувчилари В. Чкалов, А. Беляков ва Г. Байдуков шу самолётда қўнмасдан Шимолий қутб орқали Америкага учиб борган эдилар.

«1941 йилнинг 15 октябрида бошланган корхонани эвакуация қилиш 12 ноябрда тугалланди» — дейилади экспонат — буйруқда. Бўлғуси жанговар машиналар ишлаб чиқариш мўлжалланган. Станоклар, ускуналар ва материаллар Тошкентда тўппа-тўғри темир йўл платформаларидан туширилар эди. Рекорд қисқа муддат ичида заводдан дастлабки самолётлар фронтга жўнатила бошланди.

Корхона ва унинг коллективининг бугунги куни жуда кўп макетларда, мукофотларда ва ҳужжатларда акс эттирилган. Булар ишлаб чиқаришда техника тараққиёти тўғрисида, «Коммунистик меҳнат корхонаси» деган фахрли номга сазовор бўлган уч орденли коллективнинг фидокорона меҳнати ҳақида ҳикоя қилади. Ҳаваскорлик киностудияси яратган фильмлар завод ҳаётидаги энг муҳим воқеаларга бағишланган.

Музейнинг жамоатчилик асосида ишлаётган кенгаши экскурсиялар ташкил қилади, ўз ҳаётини ишчи касбига бағишлаган чкаловчи авлодларнинг учрашув кечаларини ўтказиб туради. Кенгаш бирлашманинг шу йил нишонланадиган ярим асрлик юбилейига тайёргарлик кўра туриб, авиасозлар Маданият саройида, йирик цехларда музей филиалларини ташкил қилди.

Ёш ишчилар музей экспонатларини кўздан кечирганларидан кейин катта авлодларнинг меҳнат жасоратларидан руҳланиб, ўз ота ва боболаридан орқада қолмасликка, жонажон корхона шуҳратини янада оширишга ҳаракат қиладилар.

(ЎзТАГ).

ТАБИАТ ВА ИНСОН

ОДАМЛАР, ОДАМЛАР...

Биолог ва медик олимлар қизиқ бир ҳодисани аниқлашган: Улуғ Ватан урушидан кейин туғилган болаларнинг ўсмирлик чоғидаги, айтайлик, 16-17 ёшдаги бўйи урушдан аввал туғилган шу ёшдаги болаларга қараганда бир мунча баланд экан. Бу ҳодисага акселерация (лотинча сўз бўлиб, «тезлатиш» деган маънони билдиради) деган ном ҳам берилди. Олимлар акселерациянинг туб сабабини ҳали тўлиқ тушунтириб берганларича йўқ. Шу боисдан улар кундалик ҳаёт тарзи, информациянинг оқимининг кучайиб кетганлиги, киши организмига таъсир кўрсатадиган ижтимоий, жисмоний, физиологик, кимёвий ва руҳий таъсирлар бўйнинг ўсишини тезлатиши ёки секинлатиши мумкин, деган умумий мулоҳазалар билан чекланмоқдалар.

Бадиий адабиётда баъзан қаҳрамонлар ниҳоятда улкан одамлар — паҳлавонлар сифатида тасвир этилади. Мисол учун инглиз ёзувчиси Ж. Свифтнинг «Гулливернинг саёҳатлари» номли машҳур асарини эсланг. Асарда Гулливернинг хаёлий ўлкалар — аввал лилипутлар (митти одамлар) ўлкасига бориб улар наздида жуда улкан одам бўлиб кўриниши, кейин бробдингнеглар (улканлар) ўлкасига бориб қолиб, улар олдида лилипутдек бўлиб кўриниши тасвирланади. Ж. Свифт ўз қаҳрамонини шундай ғайритабиий ҳолатларга солиш орқали инглиз буржуа жамияти устидан кулади.

Халқ оғзаки ижодида ҳам аксари қаҳрамонлар ниҳоятда улкан кишилар сифатида тасвир этилади.

Одамлар ўртасида учрайдиган гигантизм (дарозлик) ва нанизм (паканалик) хусусида илм-фан нима дейди? Киши бўйининг ҳаддан ташқари ўсиб кетишига гипофиз безида ўсиш гормонининг кўп ишланиб чиқиши сабаб бўлса, паканаликни ҳам ички секреция безларидаги бирон нуқсон юзага келтиради. Одатда, бўйи 190 сантиметрдан баланд одамлар нисбатан кам (ҳар минг кишидан 3-5 таси) учрайди. Аммо баъзи манбаларда бўйи 3,20 метрга етган одам ҳам бўлганлиги қайд этилади.

Нисбатан яқинда — XIX асрнинг иккинчи ярмида ўтган рус кишиси Махников (285 сантиметр) замонасининг энг дароз кишиси бўлган. Француз антропологи Топиннар 1749 йилда вафот этган фин Даниэль Каянисни дунёдаги энг баланд бўйли одамлардан бири сифатида қайд этган эди (бўйи 283 сантиметр бўлган). Америкалик Роберт Водлоунинг бўйи роппа-роса 270 сантиметр эди.

Париж шаҳрида Одам музейи деб аталган антиқа бир ажойибхона бор. Бу ерда энг улкан ва энг митти одамлар тўғрисидаги маълумотлар тўпланади, бундай кишиларнинг склетлари намойиш қилинади. Шу музейнинг берган маълумотларига қараганда, швед Эдди Кармелнинг бўйи 260 сантиметр, америкалик Дан Колер ва ливанлик Сулаймон Нахнушнинг бўйлари 250 сантиметрдан, канадалик Бопр ва голландиялик А. Крамернинг бўйлари 249 сантиметр, инглиз Генрих Хаймнинг бўйи 248 сантиметр, мозамбиклик Габриэль Моньякнинг бўйи 240 сантиметр, ирландиялик Патрик Коттернинг бўйи 238 сантиметр бўлган экан.

1937 йилда дунё газеталари финляндиялик машҳур паҳлавон, 23 яшар Вайне Миллиринг Ғарбий Европа мамлакатлари бўйлаб сафар қилиб юрибди, деган дув-дув гапни тарқатган эди. Миллирнинг томошабинлар олдида иштаҳасининг (бир ўтиришда тўрт-беш кишининг овқатини кўрдим демасди!) бўйига монанд эканини намойиш қилиб, ҳаммани қойил қолдирган эди. Бўйи 248 сантиметрдан иборат бу йигитнинг вазни 175 килограмм бўлиб, қадди-қомати келишган, жисмоний жиҳатдан ниҳоятда бақувват эди. Унга костюм тикиш учун 6,5 метр мато кетар, 58 размерли оёқ кийим кияр эди.

Ҳозирги кунда америкалик аёл Долорес Пуллар (249 сантиметр) энг дароз ҳисобланиб, унинг бир лилипут аёл билан биргаликда тушган сурати ўтган йили баъзи бир газеталаримизда босилиб чиққан эди.

Яқинда Ассошиэйтед Пресс агентлиги қуйидаги хабарни тарқатди. Хитойда бўйи 240 сантиметрлик, вазни 147 килограмм келадиган 16 яшар қиз истиқомат қилар экан. Чэн Цзинлянь исмли бу қиз журналистлар саволига жавоб бериб:

«Мени кийим-кечак билан таъминлаш озиқ-овқат билан таъминлашга қараганда анча енгил тушмоқда», деган. Унинг учун махсус кўйлак тикишар, оёқ кийими ҳам Юнънань шаҳридаги пойафзал фабрикасида махсус ўлчов бўйича тайёрланар экан.

Энди икки оғиз сўз митти одамлар хусусида. Француз олими Бюффон ўзининг «Табиат тарихи» номли машҳур асарида бўйи 42 сантиметрдан иборат бўлган 37 яшар бир лилипутнинг тавсифини ёзиб қолдирган. Ўша даврдаги француз газеталари бу одам ҳақида хабар бериб, «уни бемалол чўнтакка солиб юриш мумкин»лигини қайд этган эди. Шунингдек, немис олими Бирх бўйи 45 сантиметрлик одам тўғрисида ёзган.

Бу фактлар, азиз ўқиномхон, сиз билан бизнинг тушунчамиздаги «мезон»дан, нормадан четга чиқиш ҳолларига мисол бўла олади. Аммо шуниси қизиқки, дунёда «нормадан четга чиққан» бутун бошли эллар ва элатлар ҳам бўлар экан. Бу ҳақдаги дастлабки маълумотларни қадимги юнон юртининг донишмандлари Гомер ва Аристотель асарларида учратамиз. Улар, Марказий Африка ўрмонларида паст бўйли халқлар яшайди, деб ёзишган. Орадан кўп асрлар ўтиб, буюк географик кашфиётлар даври бошлангандан кейингина экваториал Африканинг дарёлари бўйларида ана шундай элатлар — пигмейлар яшаши инсониятга маълум бўлди. Пигмейлар кўчманчилик билан ҳаёт кечиради, бўйи нари борса 150 сантиметрга етади. Лекин, кичкина митти Холхўжани йиқитди деганларидек, улар ниҳоятда жанговар ва ов қилишга уста халқ. Уч-тўрт киши камон, ўқ-ёй, найза каби ибтидоий қуроллар билан фил овига чиқиб, хаш-паш дегунча, қуруқликдаги ана шу энг йирик ҳайвоннинг суробини тўғри қилади.

Табиатнинг «ҳазил»ини қарангки, пигмейлар яшайдиган ўрмонлардан нарироқда жойлашган Руанда мамлакатида аксарият одамларнинг бўйи 2, ҳаттоки 2,5 метрга етадиган дарозлар элати — ватуссилар яшайди.

Япон эркак ва аёллари жуссасининг нисбатан кичиклиги билан ажралиб туради. Шу сабабли Япония саноати ишлаб чиқарадиган маҳсулотлар (машиналар, кийим-кечак ва ҳоказо) чет эл учун каттароқ ўлчамларда, ички бозор учун эса кичикроқ қилиб чиқарилади. Аммо акселерация ҳодисаси Япония оролларига ҳам ўз таъсирини ўтказибди. Олимларнинг аниқлашича, кейинги ўн йил ичида япон йигит ва қизларининг бўйи ўрта ҳисобда 3—5 сантиметрга узайибди. Бу ҳол япон капиталистларини жиддий ташвишга солмоқда. Гап шундаки, мазкур жараён давом этаверса, ички бозор учун маҳсулот ишлаб чиқарадиган бутун техника ва технологияни мамлакат бўйича қайта қуриш керак бўлади, бунга эса озмунча маблағ кетмайди.

А. МУҲАММАДҚУЛОВ.

МАДАНИЯТ ХАБАРЛАРИ

Қизиқарли учрашув

Тошкент маданий-оқартув техникумида санъат ва адабиёт намоёндалари билан тез-тез ижодий учрашувлар бўлиб туради. СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофоти лауреати Наби Раҳимов, СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофоти лауреати Галия Измайлова, Ўзбекистон халқ шоири Туроб Тўла, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати ёзувчи Ўткир Ҳошимовлар билан бўлган учрашувлар шулар жумласидандир.

Яқинда бу ерда яна бир қизиқарли учрашув бўлиб ўтди. Ҳамза номли Ленин орденли Ўзбек Давлат академик драма театрининг бир группа артистлари — СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофоти лауреати Зикир Муҳаммаджонов, Ўзбекистон ССР халқ артисти, СССР Давлат мукофоти лауреати Ёқуб Аҳмедов, республикада хизмат кўрсатган артист Турғун Хонтўраев ва бошқалар студентлар ҳузурига ташриф буюрдилар.

Актёрлар драматург Шатровнинг «Қизил яйловдаги кўк тулпорлар» ҳамда яқинда саҳна юзини кўрган М. Бобоевнинг «Гурунг» спектаклидан парчалар ижро этишди.

Меҳмонлар студентларни қизиқтирган саволларига жавоб бердилар.

С. ЎРИНОВА.

ҲАВАСКОРЛИК КИНОСТУДИЯСИ КЎПАЙМОҚДА

«Билимлар уйи»да Ўзбекистон киносаёҳатчилари клубининг 133-йиғилиши ўтказилди.

— Биринчи маротаба бу йиғилишга киномухлислари билан бирга Ўзбекистон телевидениеси кинопрограммалар бош редакциясининг қатнашчилари ҳам ташриф буюрдилар, — дейди Тошкент киноҳаваскорлар ва киносаёҳатчилар клубининг раиси, кинорежиссёр Б. А. Хўжаев.— Клуб ва маданият саройларида касаба союзлари томонидан ташкил қилинаётган ҳаваскорлик киностудиялари тобора оммалашиб бораяпти. Республикамизда 170 та, Тошкент шаҳри ва пойтахт областида 50 дан ортиқ ана шундай студия бор. Киноҳаваскорлар мунтазам кинофестиваллар ўтказиб туришади. Бу кинофестивалларда профессионал кинематографчилар актив иштирок этиб, ҳаваскор ҳамкасбларининг ижодига баҳо беришади. Бу сафарги йиғилишда киноҳаваскорлар «Оламга саёҳат» эшиттиришининг редакторлари ва кўрсатувни олиб борувчилар билан танишдилар. Шунингдек ижодий коллектив телетомошабинлар учун программаларни қандай тайёрлаётганлигини ўрганиб, фильмлардан парчалар кўришди.

Шундан сўнг киносаёҳатчилар клубининг аъзолари ва меҳмонлари кино лентаалар воситасида Ҳиндистон, Мексикага саёҳат қилдилар, мамлакатимиздаги бир неча қўриқхоналар тарихи билан танишдилар.

САМОЛЁТСОЗЛАР ҲУЗУРИДА

Навоий номидаги Ўзбекистон ССР академик Давлат катта театри балетининг ёш солистлари В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси меҳнаткашлари ҳузурида классик асарлар, замонавий рақслардан тузилган концерт программасини кўрсатдилар. Ижрочилар самолётсозларнинг маданият саройида томошабинларга Давлат академик катта балет театрининг янги постановкалари тўғрисида гапириб бердилар, ижодий режаларини ўртоқлашдилар.

Саҳна усталари мана шундай санъат кечаларини мунтазам ўтказиб туришга қарор қилишди — бундай кечалар Тошкентдаги кўплаб корхоналарнинг маданият саройларида, ишчилар клубларида ўтказилади.

(ЎзТАГ).

Кейинги пайтда шаҳримизда бир қатор маъмурий бинолар қуриб фойдаланишга топширилди. Республика радиоси коллективи ҳам яқинда сиз суратда кўриб турган муҳташам бинога эга бўлади. Ҳозир бу ерда пардоз ишлари олиб борилаяпти ва мураккаб радио, алоқа техникасини монтаж қилишга тайёргарлик кўрилмоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

ҲУЖУМКОРЛИК САМАРАСИ

«ПАХТАКОР» — ШАХТЁР» (ДОНЕЦК) — 2:1.

«Пахтакор»: Яновский, Якимцов, Бойметов, Журавлев, Денисов, Петрушин, Огай, (Якубик 46-минут), Амриев, Иванов, (Кабаев 72-минут), Новиков, Семенко.

«Шахтёр: Дегтярев, Варнавский, Горбунов, Симонов, Пьяных, Сопко, Роговский, Куцев, Акименко (Рудаков 64-минут), Повар (Петров 46-минут), Юрченко.

Тўпларни Новиков 3-минутда, Якимцов 22-минутда, Горбунов 88-минутда (ўн бир метрлик белгидан) киритишди.

Дублёрлар составн ўртасидаги учрашув 0:1 ҳисобида тугади. Тўпни Зарипов киритди.

Етмишинчи йилларда «Пахтакор»да бир-бирини тушунадиган икки ўйинчи бўлганлигини футбол мухлислари ҳамон унутишгани йўқ. Бу ўйинчилар Абдураимов ва Хадзипанагис эди. Ҳар икки ўйинчи стандарт ҳолатларда ўзига хос маҳорат кўрсатарди. Берадор Абдураимов бурчакдан тўпни шундай узатар эдики, у олдиндан белгиланган белгига аниқ етиб борарди. Шундан кейин ҳаракат қилиш навбати Лакис Хадзипанагисга келарди. Ўрта бўй, ниҳоятда чаққон, худди симоб сингари тез ҳаракат қиладиган бу ўйинчи дақиқалар ичида ёлғон ҳаракатлар билан рақиб команда ҳимоячиларини чалғитиб, тўп бориб тушиши лозим бўлган жойга етиб борарди. Абдураимов томонидан узатилган тўпни эгаллаб дарвозага йўллар эди.

«Шахтёр» командаси билан бўлган учрашувда ёш пахтакорчилардан Амриев ва Новиков ҳам худди ана шундай чиройли комбинацияни такрорлашга муваффақ бўлишди. Учрашувнинг бошларидаёқ дарвозага тўп киритилди. Бу тўп жуда усталик билан бажарилган комбинация маҳсули бўлди. Нуриддин Амриев бурчакдан тепган тўпни зарур бўлган белгига, зарур бўлган баландликда Константин Новиковга етказиб берди. У тўп учун бўлган курашда икки ҳимоячини алдаб ўтиб, дарвозани аниқ нишонга олди — 1:0.

Учрашувнинг учинчи минутида юз берган бу воқеа кончиларни бироз шошириб қўйди. Аксинча, пахтакорчиларнинг ўзларига бўлган ишончини оширди. Улар муваффақиятни мустаҳкамлаш учун ҳужумга зўр бера бошладилар.

Ана шу дақиқаларда тошкентликларнинг ҳаракатларига қараб завқланиш мумкин эди. Улар ҳужум йўналишини тез-тез ўзгартириб турдилар, тўпсиз ва тўп билан актив ҳаракат қилишди. Тўпни бир-бирига узатишда деярли хатога йўл қўймадилар. Қисқа қилиб айтганда биринчи бўлимда пахтакорчилар жуда чиройли, ажойиб ўйин кўрсатишди.

Ярим ҳимоячилар ҳужумчиларга усталик билан тўп етказиб бериб турдилар. Амриев, Иванов, Огай дастлабки ўйинларда тўпни дарҳол олдинги маррага узатиш ўрнига орқага ёки ён томонга узатишар, кўп ҳолларда тўпни рақибларга олдириб қўйишарди. Бу сафар эса улар аниқ ҳаракат қилишди.

«Пахтакор»нинг ҳимояси ҳақида алоҳида тўхташ керак. Денисов ҳимоя марказига ўтказилиши ва уни тажрибали Петрушин билан ҳамкорликда ҳаракат қилиши, назаримизда, мезбонларнинг ҳимоясини янада мустаҳкамлади. Турли йўналишдаги хавфли зоналарни назорат қилиб турган бу ўйинчилар зарур бўлган дақиқаларда қанотлар бўйлаб уюштирилган ҳужумларни ҳам бартараф этиб туришди. Бойметов ва Якимцов ҳам рақиб команда ўйинчиларини усталик билан таъқиб қилдилар. Қанот ҳимоячилари хавфли дақиқаларда ўзларига ёрдамга етиб келган Журавлев, Огайлар билан яхши комбинация ишлатиб, зарур дақиқаларда ҳужумчиларга ёрдам бериб туришди. Худди ана шундай комбинациялардан бирида Якимцов Амриевдан тўпни қабул қилиб олиб дарвозага йўллади— 2:0.

Қисқа қилиб айтганда, тошкентликлар биринчи бўлимда тўла устунликка эга бўлдилар. Улар кам деганда яна икки марта дарвозани нишонга олишлари мумкин эди.

Меҳмонлар ҳақида нима дейиш мумкин? Асосан мудофаага эътибор берган меҳмонлар жуда кам ҳужум уюштирдилар. Майдон эгалари сунъий ўйиндан ташқари ҳолатни вужудга келтириб, уларнинг ҳаракатларини хавфсизлантирдилар. Айрим ҳолларда кончиларнинг ҳужумчи ва ярим ҳимоячилари тўпни дарвозага аниқ йўллай олишмади.

Иккинчи бўлимда пахтакорчилар биринчи бўлимдаги услубдан нега воз кечганликларининг сабабини айтиш қийин. Эҳтимол бироз чарчаб қолишгандир. Ахир улар икки ҳафта давомида уч марта кучли коллективлар билан беллашишди. Эҳтимол, ғалаба қўлга киритилганлигига ишонишиб ҳисобни сақлаб қолишга ҳаракат қилишди. Бироқ факт фактлигича қолади. Команданинг ўйини қовушмай қолди. Огайнинг ўрнига майдонга чиққан Якубик бу сафар яхши ҳаракат қилолмади. Одатда олдинги маррада ҳаракат қиладиган бу ўйинчи негадир майдон марказидан узоқлашишни лозим кўрмади. Ивановнинг ўрнига майдонга чиққан Кабаев эса ҳужум янада шиддатли бўлишига катта ҳисса қўшди. У тўп учун курашда ҳам, қулай вазиятларга чиқишда ҳам ўзини кўрсатди.

Шунга қарамасдан иккинчи бўлим биринчи бўлимга сира ўхшамади. «Пахтакор»нинг чиройли комбинациялари, тезкорлиги ўйинчиларнинг чиройли маневр ишлатишлари қаёққа кетди? Энг асосийси, ўйинчиларнинг ҳаракатида сустлик сезила бошлади. Ана шу дақиқаларда сусткашлик «Пахтакор» учун жуда хавфли эканлиги кўзга яққол ташланиб қолди. Натижада меҳмонлар ташаббусни қўлга олдилар. Етук жисмоний тайёргарликка эга бўлган кончилар тез-тез жарима майдонида пайдо бўлиб, хавфли вазиятларни вужудга келтира бошладилар.

Ўйин тугашига жуда оз вақт қолди. Бу сафар ҳам Александр Яновский дарвозани дахлсиз сақлаб қолади, деган умид пайдо бўлган эди. Худди шу дақиқада «Шахтёр»нинг уч ўйинчиси шиддатли ҳужум уюштириб жарима майдонига кирди. Роговский «Пахтакор»нинг ҳимоячиларини алдаб ўтиб, тўпни бўш қолган дарвозага йўлламоқчи бўлди. Ана шу ҳал қилувчи дақиқада Яновский қўпол хатога йўл қўйди. У қоидани бузди. Учрашув судьяси ўн бир метрлик белгини кўрсатди. Валерий Горбунов дарвозани нишонга олиб ҳисоб ўртасидаги фарқни камайтирди— 2:1.

Яхшиямки, учрашувнинг тугашига жуда оз вақт қолган эди. Меҳмонлар муваффақиятдан руҳланиб янада чиройли ўйин кўрсатишлари мумкин эди. «Пахтакор» ғалабага эришди ва Киевнинг «Динамо», Краснодарнинг «Кубань» командалари сингари беш очко тўплаб, мамлакат биринчилигида карвонбошилик қилмоқда. Жуда яхши натижа. Лекин бу хотиржамликка берилишга сабаб бўлмаслиги керак.

Э. АВАНЕСОВ.

СУРАТЛАРДА: «Пахтакор»нинг учрашувларидан лавҳалар.

Р. Загратдинов фотолари.

«Пахтакор» ҳақида 17 фикр

В. В. НОСОВ,
«Шахтёр» командасининг катта тренери, спорт мастери, Украина ССРда хизмат кўрсатган тренер.

«Пахтакор» командаси ёш, уюшқоқ коллектив. У ҳозир шу кун талаби даражасидаги ўйин кўрсатмоқда. Шуни тўғридан-тўғри айтишим мумкинки, мамлакатимиздаги энг тажрибали коллективлар ҳам «Пахтакор»га менсимай қарайдиган бўлса, хатога йўл қўйишади. Ёш, айни пайтда тажрибали ўйинчилардан ташкил топган бу коллектив ҳар қандай қийин вазифани ҳал қилишга қодир. «Пахтакор»га омад тилайман. У ўзининг олдига қийин вазифа қўйган. Маҳаллий кадрлар ва резервлардан тўла фойдаланган «Пахтакор» фақат олий лигада ўйнаш ҳуқуқини сақлаб қолишгагина эмас, «Прогресс» Кубоги учун курашишга ҳам қодир.

— «Пахтакор»да сизга нима маъқул бўлди?

— Ўз майдонида ҳам, ўзгаларнинг майдонида ҳам ҳар қандай коллектив билан иккиланмай беллашиш. «Пахтакор»нинг бу характери олдин ҳам мавжуд эди. Кейинги икки йилда у янада яққол кўзга ташлана бошлади. Бунга биз ўз тажрибамизда ишонч ҳосил қилдик. Ўтган йили команда биздан уч очко олди. Бу йил ҳам бизни мағлубиятга учратди. Умуман мавсумни у жуда яхши бошлади. Айниқса торпедочилар билан дуранг ўйнаш, армиячилар билан бўлган учрашувда ғалабага эришиш команда ҳозир юксалишда турганлигини кўрсатади.

— Тошкентлик футболчиларнинг ўйин услублари ҳақида нима дея оласиз?

— Барча звенолар яхши ўйин кўрсатяпти. Тўғри, олдиндан белгиланган вазифалар тўла амалга оширилаяпти деб бўлмайди. Учрашувнинг биринчи бўлимида шогирдларим пахтакорчиларнинг шиддатли ҳужумларига дош беролмадилар. Чунки тошкентликлар чиройли комбинациялар ишлатиш билан уларни шошириб қўйди.

«Пахтакор»нинг ҳимоячилари жуда яхши ўйин кўрсатишяпти. Улар ҳужумчиларга ҳам ёрдам беришмоқда.

— «Пахтакор»нинг ўтган йилги ва бу йилги ўйинини таққослаш мумкинми?

— Орадаги фарқ жуда катта. «Пахтакор» ҳозир тўла комплектлашган. Унинг резервлари ҳам бор. Бу жуда яхши. Ўтган йилги мавсумда командада ўз кучига ишонч, тажриба етишмас эди. Бу йилги «Пахтакор»нинг ўйини жуда яхши таассурот қолдирмоқда. Агар у мамлакат биринчилиги беллашувларини умуман яхши ўтказса катта тараққиётга эришиши мумкин. Бунинг учун ҳар бир учрашувда ўзига хос жасорат кўрсатилиши керак.

Бутун коллективнинг ҳаракати туфайли дарвоза нишонга олинади. Шу боисдан ҳам муваффақиятда коллектив устозлари ва ҳар бир футболчининг ҳиссаси бор. Команда ўйинчиларига баҳо бериш эса тренерларнинг вазифаси.

ТО Справкалар бюроси
ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Ш. МАҲМУДОВ: Ўғлимиз ўтган йилнинг охирида Совет Армияси сафидаги хизматини тугаллаб, заводга ишга кирди. Айтингчи, унга заводда қанча муддат ишлагандан кейин отпуска берилиши керак?

Жавоб: Собиқ ҳарбий хизматчиларга, шу жумладан армия хизмати тугагандан сўнг ўзи аввал ишлаган корхона, муассаса ва ташкилотига ишлашга қайтиб келган шахсларга ҳам умумий асосларда, яъни иш бошлаган дастлабки йилининг 11 ойи ўтганидан кейин отпускалар берилади. Бундан кейинги йилларда эса отпускалар графиги бўйича уларга отпуска берилади. Лекин, уюштирилган набор бўйича (меҳнат шартномалари тузиш пайтида ва комсомол ташкилотларининг йўлланмаси билан) ишга юборилган ҳарбий хизматчилар бундан мустаснодирлар.

* * *

К. БЎРИЕВ: Мен ўзим ишлайдиган корхонада касаба союз комитетининг аъзосиман. Бизларнинг ишимизни ўзимизнинг корхонамиз халқ контроли комитети вакиллари текшириши мумкинми?

Жавоб: СССР халқ контроли тўғрисида қабул қилинган Қонунда касаба союзлари, комсомол ва бошқа жамоатчилик ташкилотларининг халқ контроли органлари фаолиятида актив иштирок этиши кўзда тутилган. Лекин шу билан бир қаторда халқ контроли комитетлари ва группалари касаба союз органлари фаолиятини текширишлари зарурати йўқлиги бу Қонунда кўрсатилган. Чунки касаба союзлари меҳнаткашларнинг оммавий жамоат ташкилотларидан бири сифатида ўз уставлари асосида иш кўради ва улар сайланган контроль органларига — ревизия комиссияларига эгадирлар.

* * *

Ф. ЖАББОРОВ: Ишчи ёки хизматчилар ўзларининг меҳнат дафтарчаларидаги ёзувлар билан танишишлари мумкинми?

Жавоб: Меҳнат дафтарчаларини юритиш қоидалари ҳақидаги инструкциянинг 15-бандига мувофиқ, маъмурият, меҳнат дафтарчаси эгасини унда қайд қилинган барча ёзувлар билан таништириши керак. Бу ёзувлар маълумки, меҳнат дафтарчасига маъмуриятнинг буйруғи ёки фармойиши билан ёзилади. Меҳнат дафтарчасига ҳар бир янги ёзув ёзилаётган пайтда ходим ана шу ёзув билан таништирилиши ва шахсий карточкасидаги худди шундай ёзув тагига ўз имзосини қўйиши керак. Агар ишчи ёки хизматчи меҳнат дафтарчасидаги ёзувлар билан танишаётган пайтда бирорта йўл қўйилган хатони аниқласа ёки иши тўғрисидаги ёзувларда бирорта чалкашликни аниқласа, бундай ҳолларда маъмурият тезлик билан бу хатоларни тузатиши керак.

* * *

Н. ДОЛИМОВА, Ш. АЛИЕВА: Бизлар пойтахтнинг Ҳамза районида истиқомат қиламиз. Маълумки, бизнинг районимизда кўпгина маданият уйлари бор. Айтингчи, ана шу маданият уйларида театр студиялари ҳам мавжудми?

Жавоб: Ҳамза районидаги деярли барча маданият уйлари қошида драма тўгараклари ва театр коллективлари мавжуд. Жумладан экспериментал драматик студия ҳам ишлаб турибди. Бу студияни ташкил этувчилар Горький номидаги рус академик драма театрининг санъаткорларидир. Улар ҳаваскор артист бўлиш орзусида бўлганлар учун ижодий конкурс ўтказадилар. Шундай экан, Сизлар ана шу экспериментал драматик студияга ўзингизни қизиқтирган масала хусусида мурожаат қилсангиз бўлади.

Редактор С. М. КАРОМАТОВ.

● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА

М. Қорнёқубов номидаги Ўзбек Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

9 АПРЕЛЬ СОАТ 19.00 ДА

М. ҚОРИЁҚУБОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ

«ХАНДА» АНСАМБЛИНИНГ

«АЙТСАМ ДИЛИМ, АЙТМАСАМ ТИЛИМ КУЯДИ»

ЭСТРАДА ТОМОШАСИ

(Икки бўлимда)

Сценарий муаллифи — ШЕРҚЎЗИ ҒОЗИЕВ.

ҚАТНАШАДИЛАР:

Шерқўзи Ғозиев, Ғайбулла Мелизиёев, Зуҳра Ғозиева, Нонла Нурмуҳамедова, Санобар Раҳимова, Розия Назарова, Шарофат Йўлдошева, Аъзам Ғозиев, Ўсар Юсупов, Гулчеҳра Юсупова, Валентина Пашкова.

VI-жаҳон фестивалининг лауреати

АКБАР ЙЎЛДОШЕВ.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ

Программани—Мамасоли Холматов ва Зайниддин Омонов олиб борадилар.

«ХАНДА» ансамблининг бадиий раҳбари —Шерқўзи Ғозиев. Музика раҳбари — Рустам Маматмуродов.

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА

9 АПРЕЛЬ СОАТ 19.00 ДА

Ўзбекистон Ленинчи коммунистик ёшлар союзининг XXII съездига бағишланган

БАЛЕТ КЕЧАСИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Қорақалпоғистон АССР халқ артисти, балет артистларининг V халқаро конкурси дипломанти З. Давлетмуратова, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Г. Ҳамроева, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Ф. Саъдуллаева, Токиода ўтказилган балет артистларининг халқаро конкурси лауреати В. Клочко; Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ш. Турсунов; солист Х. Бозоров.

Музика раҳбари ва бош дирижёр — СССР халқ артисти, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг лауреати **Д. АБДУРАҲМОНОВА.**

Бош балетмейстер — СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофоти ва Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг лауреати **Г. ИЗМАЙЛОВА.**

БАҲОР ЧОРЛАЙДИ!

ҲУРМАТЛИ АЁЛЛАР,
СИЗЛАР ЁЗ ФАСЛИГА ТАЙЁРМИСИЗ?

Гардеробингизнинг муҳим бисотидан бири бўлган пойабзаллар тўғрисида ўйлайдиган қизғин палла бошланди.

«ЎЗБЕКИСТОН»
ФИРМА САВДО БИРЛАШМАСИНИНГ

4-МАГАЗИНИДА

6—10 АПРЕЛЬ КУНЛАРИ

Баҳорги-ёзги мавсум модали пойабзаллари тажриба партиясининг

САВДО-КЎРГАЗМАСИНИ ЎТКАЗАДИ

АНА ШУ МАСАЛАЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШДА СИЗГА ЯҚИНДАН ЁРДАМ БЕРАДИ.

Бу йилги мавсумнинг пойабзали модасида айрим ўзгаришлар бор: хотин-қизларнинг кундалик оёқ кийимлари пошнаси 60 миллиметргача пасайтирилган. Хотин-қизларнинг тантанали маросимлар учун киядиган пойабзали ўзгаришсиз қолган. У зеболи, енгил, нафис қилиб ишланган. Пошнаси аввалгидек баландлигича қолган.

Магазинда республика пойабзал моделлари уйида турли ёшдаги кишилар учун ишлаб чиқарилган ранг-баранг тусдаги бир неча хил пойабзалларни диққатингизга ҳавола қилишади.

Таглиги полиуретанли, бошлиғи ранг-баранг тусдаги хромдан бичилган, чоклари ва фурнитураси жозибали ишланган «САБО» енгил пойабзаллар ҳар қандай дидга манзур бўлади. Баҳоси— 32 сўм.

«САБО»нинг яна бир модели сизга кўрсатилади. Унинг таглиги қора полиуретанли, бошлиғи эса рангдор хромдан бичилган. Чоклари жозибали ва тасмачаси боғичли қилиб ишланган. Иккала модель ёшларга жуда ҳам ярашади. Шунингдек ўрта ва катта ёшдаги кишиларга ҳам мос келаберади.

ЁШЛАР УЧУН ИККИ МОДЕЛЬ ТАВСИЯ ҚИЛИНАДИ:

Таглиги «СТЕЛА» полиуретанли, баланд пошнали, тасмачали конструкцияда бўлган «САБО». Баҳоси— 40 сўм;

ТАНТАНАЛИ МАРОСИМЛАР УЧУН:

таглиги полиуретанли, пошнаси, думалоқ, бошлиғи юқори сифатли материаллардан бичилган, тасмачали конструкцияда, башанг кўринишда ишланган босоножкалар. Баҳоси — 45 сўм.

Ишончимиз комилки, бу моделлар сизга қувонч бағишлайди!

«Ўзбекистон» фирма савдо бирлашмасининг 4-магазини адресини эслатиб ўтамиз: Тошкент шаҳри, Махсидўзлик кўчаси (1, 2, 4, 7, 18-троллейбусларнинг «Калинин номли майдон» бекати).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЕНГИЛ САНОАТ МИНИСТРЛИГИНИНГ
МАРКАЗИЙ ЛОЙИҲА-КОНСТРУКТОРЛИК ВА ТЕХНОЛОГИЯ БЮРОСИ.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА —7/IVда **Келинлар қўзғолони,** 8/IVда **Нодирабегим.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 5/IVда **Олифта,** 7/IVда **Ёшликда берган кўнгил.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА —6/IVда **Тақдир эшиги.**

КИНО

6 АПРЕЛДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ИНСОН ТУҒИЛДИ» — **Восток.**

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

Москва (16, 18.30, 21.00), **Нукус** (16, 18.30, 21.00).

«ДОВУЛ ҲАҚИДА ОГОҲЛАНТИРИШ» — **Искра** (16, 18, 20.00).

«МАНА ЎША ЙИГИТ ҚАЙТДИ» — **Ҳамза номли** (жуфт соатларда).

«КРАСНОВОСТОЧНОЕ» ТРАМВАЙ-ТРОЛЛЕЙБУС ДЕПОСИ

трамвай ва троллейбус ҳайдовчиларини тайёрлайдиган

5 ВА 6 ОЙЛИК ҚУРСЛАРГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Курсларга қабул қилинганлар шаҳар электротранспортидан бепул фойдаланадилар ва уларга 50 процент қийматига формали кийим-бош берилади.

Ёлғиз кишиларга депо яқинида жойлашган ётоқхонадан жой берилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Красновосточний кўчаси, 3-«а» уй (1, 17 «э», 102-автобуслар; 18-троллейбус; 13, 22-трамвайларнинг «Красновосточное» депоси» бекати).

СИЗНИНГ ИШОНЧЛИ КОМПАСИНГИЗ

Шаҳримизнинг ҳамма районларида аҳолига қулайлик яратиш мақсадида ўнлаб фотостудиялар ва фотосалонлар жойлашган.

Бу ерларда сизларга сифатли фотосуратлар ишлаб бериш учун моҳир усталар шай бўлиб туришибди.

ШАҲРИМИЗДАГИ ФОТОСАЛОНЛАР ВА ФОТОСТУДИЯЛАРНИНГ АДРЕСЛАРИНИ ДИҚҚАТИНГИЗГА ҲАВОЛА ҚИЛАМИЗ.

КИРОВ РАЙОНИ

7-ФОТОСАЛОН — Юнусобод массиви, А—3-квартали, «Маиший хизмат уйи», Телефон 24-99-70. Соат 8.00 дан 20.00 гача ишлайди.

1-ФОТОСАЛОН — Энгельс кўчаси, 1-уй. Телефон 33-32-35. Соат 8 дан 22.00 гача ишлайди.

12-ФОТОСАЛОН — Киров кўчаси, 19-уй. Телефон 33-47-83. Соат 8 дан 20.00 гача ишлайди.

24-ФОТОСАЛОН — Каблуков кўчаси. Олой бозори. Соат 8 дан 20.00 гача ишлайди.

КУЙБИШЕВ РАЙОНИ

«ТОШКЕНТ» ФОТОСТУДИЯСИ — Луначарский шоссеси, 105 «а»-уй. Телефон 66-57-54. Соат 8 дан 22.00 гача ишлайди.

22-ФОТОСАЛОН — Морозов кўчаси, 12-уй. «Маиший хизмат уйи». Телефон 62-58-26. Соат 8 дан 20.00 гача ишлайди.

20 — ФОТОСАЛОН — 1-Май кўчаси, Соат 8 дан 20.00 гача ишлайди.

ОКТЯБРЬ РАЙОНИ

26-ФОТОСАЛОН — Есенин кўчаси, 1-уй. «Маиший хизмат уйи». Соат 8 дан 20.00 гача ишлайди.

27-ФОТОСАЛОН — З. Каблуков кўчаси, 19-уй. «Маиший хизмат уйи». Соат 8 дан 20.00 гача ишлайди.

32-ҚАБУЛ ПУНКТИ — Хадра майдони. Соат 8 дан 19.00 гача ишлайди.

ЛЕНИН РАЙОНИ

5-ФОТОСАЛОН — Ленин кўчаси, 73-уй. Телефон 56-43-53. Соат 8 дан 20.00 гача ишлайди.

13-ФОТОСАЛОН — Стародубцев кўчаси, 204-уй. «Маиший хизмат уйи». «Соат 8 дан 20.00 гача.

18—ФОТОСАЛОН — Кафанов кўчаси, 97-уй. Соат 8 дан 20.00 гача ишлайди.

38-ҚАБУЛ ПУНКТИ — Кафанов кўчаси, 97-уй. Соат 8 дан 19.00 гача ишлайди.

«ЎЗБЕКИСТОН» ФОТОСТУДИЯСИ — Полторацкий кўчаси, 29-уй. Телефон 33-56-97. Соат 8 дан 22.00 гача ишлайди.

3-ФОТОСАЛОН (17-фотосалон филиали) — 1-Қўйлиқ массиви. Соат 8 дан 20.00 гача ишлайди.

14-ФОТОСАЛОН — Куйбишев кўчаси, 2-уй. Соат 8 дан 20.00 гача ишлайди.

ФРУНЗЕ РАЙОНИ

34-ФОТОСАЛОН.— Б. Хмельницкий кўчаси, 21-уй. Соат 10 дан 19.00 гача ишлайди. Дам олиш куни душанба.

35-ФОТОСАЛОН—Глинка кўчаси, 5-уй. Соат 9 дан 19.00 гача ишлайди. Телефон 53-30-35. Дам олиш куни— якшанба.

37-ФОТОСАЛОН — Ш. Руставели кўчаси, 61-уй. Соат 8 дан 20.00 гача ишлайди.

ЖОЙЛАРГА БОРУВЧИ ФОТОГРАФЛАР БЮРОСИ — Ш. Руставели кўчаси, 52-уй. Соат 9 дан 18.00 гача ишлайди. Дам олиш куни— якшанба.

СЕРГЕЛИ РАЙОНИ

4-ФОТОСАЛОН — Сергели бозори. «Маиший хизмат уйи». Соат 8 дан 20.00 гача ишлайди.

4-ФОТОСАЛОН ФИЛИАЛИ — Сергели—2 массиви, 8-уй. Соат 8 дан 20.00 гача ишлайди.

ЧИЛОНЗОР РАЙОНИ

«ОБЪЕКТИВ» ФОТОСТУДИЯСИ — Чилонзор массиви, 3-квартал, 55-уй. Телефон 77-59-55. Соат 8 дан 22.00 гача ишлайди.

11-ФОТОСАЛОН ВА КИНОЛАБОРАТОРИЯ — Муқимий кўчаси, 6 «а»-уй. Телефон 78-52-83. Соат 8 дан 20.00 гача ишлайди.

21-ФОТОСАЛОН — Халқлар дўстлиги проспекти, «Бахт уйи». Телефон 45-57-13. Соат 10 дан 19.00 гача ишлайди. Дам олиш куни — душанба.

ҲАМЗА РАЙОНИ

2-ФОТОСАЛОН — К. Маркс кўчаси, Соат 8 дан 20.00 гача ишлайди.

15-ФОТОСАЛОН — Фонвизин кўчаси, 1-уй. Соат 8 дан 20.00 гача ишлайди.

17-ФОТОСАЛОН — Қўйлиқ бозори. Соат 8 дан 20.00 гача ишлайди.

А. ИКРОМОВ РАЙОНИ

9-ФОТОСАЛОН — Бешқайрағоч, З. Саид кўчаси, 273-«а»-уй. Соат 8 дан 20.00 гача ишлайди.

10-ФОТОСАЛОН — Чилонзор массиви, 26-квартал, «Москва» кафеси. Соат 8 дан 20.00 гача ишлайди.

25-ФОТОСАЛОН — Фарҳод ярмаркаси. Соат 8 дан 20.00 гача ишлайди.

С. РАҲИМОВ РАЙОНИ

23-ФОТОСАЛОН — Чимбой кўчаси, 112 «а»-уй. Соат 8 дан 20.00 гача ишлайди.

36-ФОТОСАЛОН — Сағбон кўчаси, Калинин майдони. Соат 8 дан 20.00 гача ишлайди.

8—ФОТОСАЛОН — ТашМИ, ТашПИ комплекси, 11-уй. Телефон 46-97-24. Соат 8 дан 20.00 гача ишлайди.

6-ФОТОСАЛОН — У. Ширин кўчаси, 110 «а»-уй. Соат 8 дан 20.00 гача ишлайди.

«ЁШЛИК» ФОТОСТУДИЯСИ —А. Дониш кўчаси. Соат 8 дан 22.00 гача ишлайди.

ГАЗЕТАНИНГ ШУ СОНИНИ САҚЛАБ ҚЎЙИШИНГИЗНИ МАСЛАҲАТ БЕРАМИЗ. У СИЗГА ЯНА КЕРАК БЎЛИШИ МУМКИН.

«ФОТОРЕКЛАМА» КОМБИНАТИ.

Ўзбекистон ССР Савдо министрлигининг

ТОШКЕНТ ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ 1982—1983 ЎҚУВ ЙИЛИГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ СОТУВЧИ ВА СОТУВЧИ КОНТРОЛЕР-КАССИРЛАРНИ ИККИ ЙЎНАЛИШДА ТАЙЁРЛАЙДИ:

боққоллик-кондитерлик, гастрономия, гўшт-балиқ ва сут маҳсулотлари бўйича;

шунингдек, газлама, тикув буюмлари, пойабзал, трикотаж, галантерея, парфюмерия, маданий-маиший ва хўжалик моллари сотувчи контролёр-кассирларни тайёрлайди.

ЎҚИШ —1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Ўқиш муддати — 1 йил.

ДАРСЛАР ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

БИЛИМ ЮРТИГА ЎЗБЕКИСТОН ШАҲАРЛАРИДА ЯШАЙДИГАН 15 ДАН 20 ЁШГАЧА (ҳамда Совет Армияси сафидан ҳарбий хизматни ўтаб қайтганлар —23 ёшгача) БЎЛГАН 8, 9, 10-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИЛАР КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИСИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юртини тугатганларга «КИЧИК СОТУВЧИ», «СОТУВЧИ», «СОТУВЧИ-КОНТРОЛЕР-КАССИР» деган малака берилади.

Бошқа шаҳардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Ўқувчиларга 32 сўмдан 41 сўмгача стипендия берилади.

Ишлаб чиқариш практикаси Тошкент шаҳридаги илғор магазинларда: Гум, «ГАСТРОНОМ» республика конторасига қарашли йирик магазинларда ва «УНИВЕРСАМ»ларда ўтказилади.

Назарий машғулотлар билан ишлаб чиқариш практикаси ҳар 3 кунда алмашади.

Агар билим юртини битирувчилар ҳамма фанлардан аъло баҳоларга эга бўлиб, квалификацияси бўйича ҳам имтиҳонларни муваффақиятли топширсалар, бундай битирувчилар, педагогик советнинг қарорига мувофиқ. билим юртини битириб бир йўла олий ўқув юртининг кундузги бўлимига ўқишга кириш ҳуқуқига эга бўладилар (битирувчилардан 10 проценти).

Билим юрти қошида кечки ўрта мактабнинг 9, 10, 11-синфлари ишлайди.

Ўқиш кундузги соатларда ўтказилади.

Ўқиш даври меҳнат стажига киради.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: билим юрти директори номига ариза, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (асли), турар жойидан справка, таржимаи ҳоли, 286-формадаги медицина справкаси, 3х4 см катталикдаги 6 дона фотосурат, характеристика, халқ депутатлари Советининг область ижроия комитети Савдо бошқармасидан ёки халқ депутатлари Совети шаҳар ижроия комитети савдо бўлимидан йўлланма.

Билим юртининг адреси: 700113, Тошкент шаҳри, Чилонзор массиви,—Акмал Икромов райони, Бобир кўчаси, Зуй (4, 9-трамвайларнинг «Чўпон ота», 70-автобусларнинг «Тез медицина ёрдами клиник касалхонаси» бекатлари). Телефон 78- 44-30.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг

«УЗБЕКСЕЛЬМАШ» ишлаб чиқариш бирлашмаси базасидаги

214-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қуйидаги ихтисосликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

токарь универсал (токарь-каруселчи, программа билан бошқариладиган станокларнинг оператори), саноат ускуналари бўйича слесарь-ремонтчи, электр пайвандчи, слесарь-механик-йиғувчи, фрезерчи, электромонтажчи, машинада қолипловчи, слесарь-асбобсоз, штамповкачи, электрон-ҳисоблаш машиналари ремонти ва хизмати бўйича электромеханиклар.

Ҳамма ихтисосликлар бўйича ўқиш муддати 1 ва 3 йил.

Қабул қилинганлар уч маҳал овқат ва кийим билан таъминланадилар.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юртининг 3 йиллик курсини битирганларга ўрта маълумот ҳақида аттестат ва 2 хил мутахассислик бўйича диплом берилади.

Билим юртини битириб олган аттестатдаги баҳоларнинг ўртача бали 4,5 бўлганларга олий ўқув юртларига киришда имтиёзлар берилади.

10-синф ҳажмидаги билим юртини битирганлар билим юртини тугатганлиги ҳақида аттестат оладилар. Ўқиш муддати 6 ой ва 1 йил.

Билим юртини битирган ўрта маълумотлиларга ҳам билим юртини тугатганлик тўғрисида аттестат берилади.

Ўқувчиларга ҳар ойда 76 сўмдан стипендия, ишлаб чиқариш практикаси давридаги меҳнат ҳақининг 33 проценти берилади. Бошқа шаҳарликлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Билим юртида спорт секциялари, вокаль чолғу ансамбли ва миллий чолғу асбоблари ансамбли тўгараклари доимо ишлайди.

Машғулотлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Ўқишга 8—10 синф ҳажмида маълумотли, 15 ёшдан 25 ёшгача бўлган йигит-қизлар қабул қилинади.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: билим юрти директори номига ёзилган ариза, турар жойидан справка, соғлиғи тўғрисида справка, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (ёки паспорт), 3х4 см. ҳажмида 6 дона фотосурат, таржимаи ҳоли.

Бошқа шаҳардан келган ўқувчилар турар жойларидан пропискадан ўчишлари ва билим юрти ётоқхонасига пропискадан ўтишлари ҳамда ўзлари билан шахсий учёт карточкаси, ВЛКСМ аъзолиги учет карточкаси ва комсомол билетини олиб келишлари зарур.

Ҳужжатлар ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Ж. Обидова кўчаси, 70-уй (2, 16, 25, 29-трамвайлар, 8, 9, 115, 112, 72, 60, 24, 44-автобусларнинг «Ғалаба боғи» бекати). Телефон 35-08-02.

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

6 АПРЕЛЬ — СЕШАНБА.

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

18.15 «Космос нимадан бошланади?». «Космик аср. Солнома саҳифалари» кўп серияли телевизион туркумдан 1-фильм. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 Ю. Евтушенко чалади (гусли). 19.50 «Лўли». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия. 21.30 «Время». 22.05 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Спартак» — МАСК. «Олимпийский» спорт комплексидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (22.45). —«Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

18.30 Янгиликлар. 18.50 «Рассомлар ҳақида ҳикоялар». Паоло Веронезе. 19.30 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 «Халқаро панорама». 21.30 «Время». 22.05 «Ўғри ҳакка!» Бадиий фильм.

Ўзбекистон телевидениесининг программалари

I

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Маша ва Жучка». Қўғирчоқ фильм. 18.20 Мактаб ўқувчилари учун. «Китоб — бизнинг дўстимиз» (такрорий). 19.00 Футбол бўйича СССР чемпионати «Пахтакор» — «Кубань» (Краснодар). «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Ахборот» (рус). 20.45 «Ахборот» 21.05 Хуррият Исроилова куйлайди. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Экишда суръат ва сифат». 22.25 «Инсон қалби ҳақида қисса» Бадиий фильм. 1-серия. 23.35 Янгиликлар.

7 АПРЕЛЬ — ЧОРШАНБА

ЖАҲОН САЛОМАТЛИК КУНИ

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 «Время». 9.40 «Ҳайвонот оламида». 10.40 «Лўли». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия. 12.20 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «80-йиллар коммунистлари». Телевизион ҳужжатли фильмлар программаси. 16.30 «Молдавия қишлоғининг тароналари». халқ қўшиқларидан концерт. Кишинёвдан олиб кўрсатилади. 16.55 А. Яшин. Асарлари саҳифаларида. 17.45 «Горчичлар, қаердасиз!».

18.15 «Космик баҳор». «Космик аср, Солнома саҳифалари» кўп серияли телевизион туркумдан 2-фильм. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Инсон ва қонун». 20.00 «Н. Добронравов шеърларига ёзилган қўшиқлар». Фильм-концерт («Экран»). 20.10 «Лўли». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия. 21.30 «Время». 22.05 «Ягона йўл». Илмий-оммабоп фильм премьераси. Ю. Романенко ва Г. Гречко экипажининг «Союз-26» космик кемасидаги парвози ҳақида. 22.25 Футбол бўйича кубок эгаларининг кубоги учун. 1/2 финал. «Динамо» (Тбилиси) — «Стандард» (Бельгия). Тбилисидан олиб кўрсатилади. 24.00 Хоккей бўйича халқаро турнир. 1-2-ўринлар учун матч. 3-давр. Ленинграддан олиб кўрсатилади. 00.35 «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

18.30 Янгиликлар. 18.50 М. И. Глинка номли Челябинск опера ва балет театри солистларининг концерти. Челябинскдан олиб кўрсатилади. 19.15 «Қорақум капитанлари». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Ашхобод). 19.30 «Қишлоқ янгиликлари». 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 «Халқ оҳанглари». 21.00 Спорт ҳафталиги. 21.30 «Время». 22.05 «Уйдаги эркак киши». Телевизион бадиий фильм.

Ўзбекистон телевидениесининг программалари

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 Химия. Алюминий, унинг қотишмаларининг олиниши ва қўлланилиши. 12.00 «Мен сизни учратдим». Телефильм. 12.30 Химия. Алюминий, унинг қотишмаларининг олиниши ва қўлланилиши (рус). 13.00 «Инсон қалби ҳақида қисса». Бадиий фильм. 1-серия.

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 Болалар учун. «Бирга бўлсак ҳаммамиз» (рус). 18.30 «Бугун — Жаҳон саломатлик куни». «Сиҳат-саломатлик». Илмий-оммабоп программа. 19.00 Партия чақириғига жавобан. Тошкент тўқимачилик комбинати. «Совет Ўзбекистони» газета редакцияси ва Ўзбекистон телевидениесининг биргаликдаги рейди. 19.30 «Ахборот» (рус). 19.45 «Боғбонларнинг ёзги юмушлари». 20.00 Ўзбекистон рассомларининг XII съезди олдидан «Рассомлар — халққа». 20.30 «Ахборот». 20.50 «Дирижёр ҳикоя қилади». Кўрсатувни Ўзбекистон ССР халқ артисти З. Ҳақназаров олиб боради. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Бугун оламда нима гап?». Халқаро аҳвол кундалиги. 22.20 «Инсон қалби ҳақида қисса». Бадиий фильм. 2-серия. 23.30 Янгиликлар.

II

18.05 Кўрсатувлар программаси. 18.10 Биология. Организм ва муҳит. 18.40 «Тоғлар рақси». Телефильм. 18.50 Абитуриентлар учун. Математика. 19.50 «Ғурумсарой камалаги». Телефильм. 20.00 Янгиликлар. 20.20 Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. Жиноят ҳуқуқи (рус). 20.50 Эстетика асослари. Ҳозирги замон буржуа реакцион эстетикаси ва санъати. 21.30.

Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театри коллективи театрнинг кекса ходими, Ўзбекистон ССР халқ артисти

Ҳамидулла НАРИМОНОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

4 бет. ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент — ГСП, Ленин кўчаси, 41 ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат, —33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-63-66: саноат 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83 совет қурилиши ва ҳуқуқ —33-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари 32-53-10: адабиёт ва санъат — 32-56-81: ахборот —33-28-95: спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-55-32: хатлар — 33-29-70: эълонлар бўлими —33-81-42: нашриёт диспетчери 32-78-94: нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

6 АПРЕЛЬ, 1982 й. Р—01897. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси Тошкент шаҳри. В-2524. Индекс 64691.